



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 21 июль, шанба

№57 (11.342)

Эркин нархда сотилади

Муносабат

ТАДБИРКОРЛИК ЙЎЛИДАН ФАРОВОН ҲАЁТГА

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг биринчи ярмида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган мажлисида асосан бугунги куннинг энг долзарб масаласи – иқтисодий тараққиётнинг пойдевори, халқ турмуши фаровонлигининг бош омили ҳисобланувчи кичик ва ўрта бизнес (корхоналар)ни ҳамда хусусий тадбиркорликни бутун чоралар билан ривожлантиришнинг йўл-йўриқлари атрофича ва чуқур таҳлил этилди.

Айниқса, Президентимизнинг ана шу долзарб муаммо ечимига бағишланган маърузаси ҳал қилувчи кучга эга бўлган дастурий ҳужжат сифатида нафақат мажлис қатнашчилари, балки бутун жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Юртбошимиз кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликка таъриф бериш билан чекланиб қолмай, унинг жамият тараққиёти ва турмуш фаровонлигини оширишдаги мисли йўқ таъсир кучини бир қатор ривожланган мамлакатлар мисолида исботлаб, бизнинг мамлакатимиз шароитида ушбу омилларни жадал ишга солишнинг энг мақбул йўллари бирмабир кўрсатиб берди.

Эътироф этиш керакки, Президентимиз кичик ва ўрта бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисида кўпдан бери жон куйдириб, амалда ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, кичик ва ўрта бизнесни кенг қўламад ривожлантирмай, хусусий тадбиркорликни ҳамма ерда ва барча соҳада оммалаштирмай туриб, аҳолини муқим иш жойлари ва оилаларни барқарор даромад манбалари билан таъминлаш мушкулдир. Халқ турмуш фаровонлигини таъминлашнинг асосий йўллари билан ички бозорни кенг истеъмол моллари билан тўлдиришга эришишдир. Кенг қўлоқ ёйган кичик ва ўрта бизнес, оммавий тус олган хусусий тадбиркорлик эса айнан мана шу энг зарур муаммони муваффақиятли ечишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бунинг самарасини ушбу тизим жадал ривожланиб бораётган ҳудудларда яққол кўриш мумкин. Умуман бугунги кунда Тошкент вилоятида 13305 дан ортиқ ўрта ва кичик бизнес тармоғи ҳамда тадбиркорлар тизими фаолият кўрсатиб турибди. Улар 2001 йилнинг ярим йилида вилоят ички маҳсулотининг 21,9 фоизини ишлаб чиқардилар. Вилоятнинг салоҳияти ва кенг имкониятларини ҳисобга олсак бу ҳали паст натижа. Бу улуш янада салмоқли бўлиши учун эндиликда барча шаҳар ва туманларимизда ишга жиддий киришиш керак. Бу давр талабидир.

Президент мажлисида таъкидлаганидек,

кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик ва қудратли ишлаб чиқаришларга нисбатан ўзига хос яна бир афзаллик жиҳати шундаки, у бозор муносабатлари тўла амал қилаётган, рақобат кучайиб бораётган вазиятда ўз технологик жараёнларини бозор талаблари асосида тез қайта қуриш, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турини зудлик билан ўзгартириш имкониятига эга. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида бозор рақобати тобора аёвсиз бўлиб бориши ҳисобга олинса, шароитга тез мослашувчанлик имконияти сув билан ҳаводек зарурдир.

Ўзбекистоннинг табиий ер шароити шундайки, мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқларда яшаб, меҳнат қилади. Шу боис ислохотларни биринчи навбатда қишлоқ хўжалик тармоғида жадаллаштириш ва янада чуқурлаштириш устивор йўналиш қилиб белгиланган. Бу вазифа босқичма-босқич, аммо изчил амалга оширилмоқда. Чунончи, соёбқ давлат ва жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш жараёнида ниҳоясига етиб қолди. Бу ерларда мулкчиликнинг яъни ерга эгалик қилишнинг ижара, оилавий пудрат усуллари, фермер хўжаликлари жадал ривожланиб бормоқда. Улар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатида тараққий этиб боргани сари қишлоқ хўжалигида ортиқча ишчи кучлари юзага келиши, бошқача қилиб айтганда, ишсизлар кўпайиши табиий жараёнга айланган. Уларни янги иш жойлари, яъни муқим даромад манбаи билан таъминлаш муаммоси ҳам кучайиб боради. Чунки, Президент таъкидлаганидек, ер ва сув ресурслари чекланган. Иккинчидан, тармоқда ишлаётганларнинг турмуш даражасини ошириб бориш учун улар сонини қисқартириш, яъни бошқа тармоқларга жалб этиш зарурати туғилади. Айнан шундай вазиятда кичик ва ўрта корхоналар барпо этиш, фермерлик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий эътиёж сезилади.

Қишлоқда ислохот қалдирғочлари бўлган фермерлар ана шу муаммони ҳал этишда асосий таянч бўлиши мумкин. Масалан, биргина Тошкент вилояти ми-

солида олсак, бугунги кунда фермер хўжаликлари сони 4246 тадан ошди. Улар томонидан 6 ойда етиштирилган бошоқли дон экинлари 2,4 баробар, сабзавот 41,3 фоиз, картошка 2,1 баробар кўпайди. 2001 йилнинг биринчи ярмида очилган 8069та янги иш жойларининг асосий қисмини ҳам улар ташкил этади.

Албатта, бу қандай бўлмасин кичик ва ўрта корхоналарни, фермерларни кўпайтириш керак, деган гап эмас. Бу масалада кўркўрона, палапартис иш тутиш фойдадан кўра кўпроқ хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Бозорнинг талаб ва эҳтиёж, рақобат каби тамойиллари бор. Қандай корхона қуришу нима ишлаб чиқариш кераклигини олдиндан билиш лозим.

Кўриниб турибдики, мажлисда ўртага ташланган масала анча жиддий ва мураккабдир. Унга масъулиятсизлик билан ёндашиб бўлмайди. Шу сабабли Юртбоши ўз маърузасида "... бу ўта оғир вазифани ечишда жойлардаги раҳбарлар – хўжалик мутасаддиларидан тортиб туман ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларигача – асосий ташаббускор бўлиши даркор", деб таъкидлади. Дарҳақиқат, бу борада асосий оғирлик ва масъулият раҳбарлар зиммасига тушади. Аммо бу уларнинг бурчлари. Шунинг учун ўз ҳудудларидаги барча шарт-шароитларни ўрганиб чиқишлари, мавжуд имкониятларни аниқ ҳисобга олишлари ва энг мақбул тўхтамга келганларидан сўнг ишга киришишлари зарур.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Кичик ва ўрта корхоналарни талаб ва эҳтиёжга қараб кўпайтириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бутун мамлакатда ишсизлик муаммосини ҳал этишнинг энг мақбул йўллари билан биридир. Аммо Президент таъкидлаганидек, бу масалада етти ўлчаб бир кесишни ҳам унутмаслик лозим. Қолаверса, сартарошхона, ямоқчилик дўкони каби уч-тўртта савдо ва маиший хизмат шаҳобчаларини очиб, фалонга янги иш ўринлари ташкил этдик, деб юқорига маълумотномалар жўнатиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Ваҳоланки, гап бир амаллаб янги иш жойлари очилмас, айнан кичик ва ўрта корхоналар қуриш ҳақида бораепти. Бунинг учун хом ашё ўзимизда ошиб-тошиб ётибди. Чунончи бугунги кунда республикада етиштирилаётган деҳқончилик, богдорчилик ва чорвачилик маҳсулотларининг бор-йўғи 5-25 фоизи қайта ишланмоқда, ҳолос. Бу эса хусусий тадбиркорлар учун ҳам ўз салоҳиятларини тўла намоён этиш, ишлаб чиқариш фаолиятларини кенг қўлоқ ёйдиришлари учун чекланмаган имкониятлар манбаидир. Қолаверса, ички бозорни тўлдиришнинг энг қўлай йўли бу. Тегишли давлат идоралари, маҳаллий ҳокимият органлари бу йўлда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари, амалий ёрдам беришлари зарур.

ЎЗБЕКИСТОН – ФАҲРИЙ МЕҲМОН

Польшанинг Тошкентдаги савдо ваколатхонасида Ўзбекистон Республикасининг Познан халқаро ярмаркасида фаҳрий меҳмон сифатидаги иштироки ва шу ярмарка доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари» китобининг поляк тилидаги нашри тақдими тига бағишлаб анжуман ўтказилди.

– Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов китобининг тақдими нафақат польшаликлар учун, балки Познан ярмаркасида иштирок этган 37 мамлакат вакиллари учун муҳим воқеа бўлди, – деди савдо ваколатхонасининг раҳбари Анджей Краснодембски, – Ушбу муҳим тадбирда Польша президенти Александр Квасневский сўзга чиқиб, Ислон Каримовнинг китобида ҳозирги замон муаммолари учун таҳлил этилганини таъкидлади ва Ўзбекистон раҳбарига ўз эҳтироми ва энг яхши тилакларини етказиб қўйишни сўради.

«Туркистон-пресс».


МИСРДА ТАНИШУВ КЕЧАСИ

Миср Президенти Хусни Муборакнинг рафиқаси Сузан Муборак номидаги Қоҳиранинг энг йирик жамоатчилик кутубхоналаридан бирида «Ўзбекистон: кеча, бугун ва эртага» номли республикамиз мустақиллиги 10 йиллигига бағишланган танишув кечаси бўлиб ўтди.

Миср Араб Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси элчихонаси томонидан ташкил этилган «Буюк тарих – буюк келажак гаровидир» шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда таниқли мисрлик шарқшунос олим, ватандошимиз Насрулло Мубашир ал Тарази ҳамда Миср олий ўқув юртларида таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этишди.

Бахтиёр ИРИСОВ,
«Жаҳон» АА махсус мухбири. Қоҳира.

Бугунги сонда:



Бугунги кунда «Дамас» микроавтобуслари, «Нексия» ва «Тико» энгил машиналарини узоқ ўлкаларнинг кўчаларида ҳам учратиш мумкин.

Газет ва газетхон:

Бизга мактуб йўллаётган муштариларимизга миннатдорчилик билдирамиз ва умид қиламизки, хат орқали дийдор кўришишимиз бундан кейин ҳам давом этаверади.

Футбол чемпионати:

Вилоят футбол чемпионатида иштирок этаётган жамоалар қарийб бир ой давом этган танаффусдан сўнг, бугун, иккинчи давра мусобақаларини бошлайдилар.

Машҳур аёллар:

«Сон-саноксиз энгил-бош-ни тикиб ташлайверишнинг модага ҳеч қандой алоқаси йўқ», дея сўзлайди бугунги кун ҳақида Вествуд Вивьен.



Фельетон: Оксанаси

тушмагур, ишламасам-у, нонни ёғ билан есам, деркан. Икки-уч ой бир заводда ишлаб, ўғрилиқ билан қўлга тушгач, бир жойда қўним топмай қолипти.

Ўқувчиларнинг олтин медали

Хиндистонда ўтказилган Шанкар халқаро болалар расмлари мусобақаларида ўзбекистонлик ўқувчилар Н. Зиёхонова ва А. Хамроевлар олтин медал сохиби бўлишди.

Мазкур мусобақани ўтказувчи ташкилот 1949 йилда ташкил этилган. Деҳли шаҳрида уюштирилган дастлабки «Шанкар ҳафталиги»да шу мамлакатнинг турли бурчакларидан келган 16 ёшгача бўлган мингдан зиёд болалар иштирок этишган эди. Орадан бир йил ўтгач ушбу расм чизиш ва мақолалар ёзиш бўйича беллашувга «Шанкар халқаро болалар мусобақаси» мақоми берилди.

Яқинда ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган ўзбекистонлик ёш мўйқалам соҳибларидан 15 нафарига олий даражадаги мукофотлар ҳамда сертификатлар топширилди. Шунингдек, улар ишлаган расмлар «Шанкар болалар санъати» китобида нашр этилди.

«Жаҳон» АА.



ЎЗБЕК АВТОМОБИЛЛАРИ ЕВРОПАГА ЧИҚДИ

Фахр



Бор-йўғи беш йил аввал – 1996 йилнинг июлида Асака шаҳридаги «ЎЗДЭУ-авто» заводида биринчи ўзбек автомобилсозлик саноатини ривожлантириш борасида илк қадам қўйилган эди. Бугунги кунда «Дамас» микроавтобуслари, «Нексия» ва «Тико» энгил машиналарини узоқ ўлкаларнинг кўчаларида ҳам учратиш мумкин.

Шуниси қувонарлики, ўзининг сифати ва бежирим кўриниши билан жаҳон андозаларидан ҳеч ҳам қолишмайдиган Ўзбекистонда чиқарилган автомобиллар, чет эллик автомобилсозлик соҳаси мутахассислари томонидан таъ олиниб, юқори баҳолаб сазовор бўлмоқда. Ўзбек автомобилларини жаҳон бозорига экспорт қилишга қизиқиш билдираётган чет эл компанияларининг сони ортиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг бу соҳадаги янги ҳамкорларидан бири – Британия «МЕКС Коммодитис» компанияси – ҳозирги кунда «ЎЗДЭУавто» билан ҳамкорликда ўзбек автомобилларини Европа, хусусан Буюк Британия ва Британия Ҳамдўстлиги давлатларига экспорт қилиш лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг автомобилсозлик саноати учун ушбу узоқ муддатли лойиҳа Европа бозорини ўзлаштиришда илк «қалдирғоч» бўлди десак, муболаға бўлмайди. Ушбу лойиҳани уч босқичда амалга ошириш режалаштирилмоқда.

«МЕКС Коммодитис» компанияси аввалига ривожланаётган мамлакатлар, кейинчалик эса

юқори стандартлар қўланадиган давлатларга, яъни Европа ва Америка мамлакатларига экспорт қилишни мўлжалламоқда. Бу мақсадга эришиш учун экология ва хавфсизлик бўйича Европа стандартларига тўла жавоб берадиган «яшил двигател»ли машиналарни яратишга буюртма бериш кўзда тутилган. Британиялик компания Ўзбекистонда ўнг томон бошқарувли автомобилларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишни ҳам режалаштирмоқда.

Айни шу кунларда Британиянинг Саутгемптон шаҳридаги «Авто Терминал» тест марказида Ўзбекистоннинг «Дамас», «Нексия» ва «Тико» автомобиллари Европа Иттифоқи стандартларига мувофиқлигини аниқлаш учун синовдан ўтказилмоқда.

Британиялик мутахассисларнинг фикрича, ўзбек автомобиллари ўзининг дизайни, юқори даражали эргономикаси ҳамда ёқилгини тежаб ишлатадиган двигателлари билан ажралиб туради.

«ЎЗДЭУавто» қўшма корхонасининг маҳсулоти жаҳон автомобил бозорига катта истикболларга эга, – деди «МЕКС Коммодитис» компанияси бошқаруви раиси Тони Вестбрук. – Автомобиллар ўзининг ҳар томонлама сифати билан бозорда бемалол рақобатлаша олади ва биз бундан гоёта мамнунмиз. Келаси йили компаниямиз 6 мингга яқин автомобил сотиб олишни кўзда тутмоқда. 2003 йилга келиб эса импорт ҳажмини 30 мингга етказиш мўлжалланмоқда.

Мардон ЁҚУБОВ,
«Жаҳон» АА, Лондон.

БМТ ВИКТОРИНАСИ ЯКУНЛАНМОҚДА

Тошкентда ўтаётган «БМТдан ютиб ол» викторинаси саволларига уч мингдан зиёд ўзбекистонлик ўсмирлар жавоб йўллашди.

Биринчи босқичда тошкентлик мактаб ва лицей ўқувчилари Алексей Глуховцев, Анастасия Лузинова, Ренат Килькеев ва Ринат Шакуровлар голиб бўлишди. Улар викторинанинг иккинчи босқичида иштирок этишади.

Викторина ташаббускорлари – БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва БМТ Европа иқтисодий комиссияси мутахассислари 2001 йил саволларининг мураккаблигини назарда тутиб, яхши натижалар кўрсатган яна 94 нафар ўқувчининг топқирлигини инобатга олди. Улар викторинанинг якунловчи босқичига меҳмон сифатида таклиф этилади ва мукофотланади.

Викторинанинг якуний босқичи шу йилнинг сентябрида бўлади.

«БМТдан ютиб ол» викторинаси Ўзбекистонда иккинчи бор ўтказилган. Уни ўтказишдан кўзланган мақсад – республика ёшларини Бирлашган Миллатлар ташкилоти, унинг тинчлик, хавфсизлик, иқтисодий тараққиёт, ахборот технологиялари, атроф-муҳит муҳофазаси ва инсон ҳуқуқи доирасидаги фаолияти ҳақидаги билимларини янада оширишдан иборат.

«Туркистон-пресс».

Машғулот-кенгаш

Вилоят ҳокимлиги ҳамда қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасининг ташаббуси билан республика чорвачилик илмий-тадқиқот институтида молларни Исроил технологияси асосида ўрчиштириш ва зотини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш мавзусига бағишланган машғулот-кенгаш ўтказилди.

Уч кун давом этган назарий ва амалий машғулотларда вилоят ва туманларнинг чорвачилик бўйича раҳбар ходимлари ва мутахассислари иштирок этдилар. Дастлабки кунги назарий машғулотларда серсут қорамоллар зотини ўрчиштириш, ширадор ва тўйимли озуқалар тайёрлаш бўйича Исроил мамлакатидан амал қилаётган илғор технологияларнинг асосий тамойиллари ва ўзига хос жиҳатлари атрофида ўрганилди.

Таъкидлаш жоизки, машғулотларга расмий тус берилмай, ўзаро суҳбат, савол-жавоб ва баҳс-мунозара тарзида олиб борилгани маҳаллий шароитларда қўлланиш мумкин бўлган илғор тажрибалар моҳиятини чуқурроқ таҳлил этиш, мавжуд муаммолар ечимини пухта-роқ ўрганиш имконини берди. Исроил Давлат ветеринария институтининг сунъий уруғлантириш ва ўрчиштириш муаммолари бўлими бошлиғи Шмуэл Маркус йирик олим сифатида узоқ йиллар давомида олиб борган илмий-амалий изланишлари ҳақида гап бошлашдан аввал бу ерда олган илк таассуротлари ҳақида тўхталди.

– Ўзбекистонда биринчи бор бўлишим, – деди у. – Юртингиз ниҳоятда гўзал экан. Айниқса, чорвачиликни ҳар томонлама кенг ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд эканлигига ҳавасим келди.

Ш. Маркус соғин сигирлар подаси факат серсут зотли моллардан иборат бўлиши учун, уларни ўрчиштириш, яъни наслчилик ишларини озуқачилик соҳаси билан уйғун ҳолда олиб бориш зарурлигини

алоҳида таъкидлади. Чунки, мол ҳар қанча зотли бўлмасин, еминининг тайини бўлмаса, имконияти даражасида сут бермай қўяди. Ва аксинча, агар сигир зотдор бўлмаса, ширадор, тўйимли озуқадан ҳар қанча едирманг, берадиган сутти ўз имконияти даражасидан ошмайди. Шу боис кунига 20 литрдан ортқич сут беролмайдиган сигирлар, подадан чиқарилиб, маълум муддат

молларга алоҳида-алоҳида берилмай, махсус технология асосида аралашма тайёрланади. У 50 фоиз дағал озуқа ва 50 фоиз концентрат озуқадан иборат бўлади. Дағал озуқа таркибига беда пичани, сенаж, силос ва бошқалар, концентрат озуқа таркибига эса соя, маккажўхори дони, буғдой, чигит каби 40га яқин озуқа моддалари киради. Қизиғи шундаки, Исроилда чор-

ва озуқаси асосан четдан келтирилади. Чунки, ўзларида етиштирилса, қимматга тушиб кетади.

Бизнинг шароитда эса бунинг акси. Ҳар қандай озуқани ўзимизда етиштириб, уни керакли микро ва макро элементлар билан бойитилган аралашма ҳолида тайёрлаш имконияти бор. Дарвоқе, бир пайтлар чорвачилик яхши ривожланган, айниқса, сутчиликка йўналтирилган ҳўжаликларда ана шундай тўйимли озуқа аралашмаси тайёрлаш цехлари ишга туширила бошланган эди. Афсуски, ҳафсаласизлик, масъулиятсизлик, ўзибўларчилик оқибатида бу илғор тажриба кейинчалик барҳам топиб кетди. Бизнингча, шу масалага қайтиб, ҳар жиҳатдан илмий асосда ўрганилса, якуний ҳулосага келинса ва маъқул деб топилиб, қайта йўлга қўйилса чакки бўлмасди.

Кейинги икки кун давомида катнашчилар бизнинг шароитда озуқа аралашмасини тайёрлаш, сигирларнинг маҳсулдорлигига қараб рацион тузиш ва молларни озиклантиришнинг энг мақбул йўл-йўриқларини ўрганиш, сунъий уруғлантириш техникасини ўзлаштириш, молларнинг бўғоз бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш, уларнинг қиср қолиши, бузоқларда озуқанинг сингмаслиги ва ичкетар касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг давоси бўйича назарий ҳамда амалий машғулотлар ўтказдилар.

Абдусамад Йўлдошев.

ЧЕТ ЭЛ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЯХШИ

аммо у маҳаллий шарт-шароитга мослаб жорий этилмаса, турли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин

бўрдоқига боқилади ва гўштга топширилади. Исроилда ҳар бош сигирдан йил давомида ўртача 11-12 минг литрдан сут соғиб олинишининг сабаби шунда. Бу дунёда энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Исроил Қишлоқ ҳўжалик вазиригининг МДХ мамлакатлари бўйича қишлоқ ҳўжалик лойиҳалари бўлими бошлиғи Ҳаим Блюштейн чорвачиликда озуқа тайёрлашнинг аҳамияти ва бу борада ўз мамлакатидан йўлга қўйилган тартиб-қоидалар хусусида сўзлаб берди.

– Бизда ер (тупроқ) ва сув муаммоси жуда кучли, – деди у. – Сизларда эса бу борада имкониятлар чексиз экан. Ҳамма гап ана шу тайёр бойликдан илмий асосда оқилона фойдаланишда қолган. Бу масалани ҳал этишда бизнинг технология ёрдам бериши мумкин. Аммо, чет эл технологияси ҳар қанча яхши бўлмасин, уни маҳаллий шарт-шароитга мослаштириб жорий этилмаса, қутилмаган муаммоларни келтириб чиқариши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Х. Блюштейннинг ҳикоя қилишича, Исроилда озуқа турлари

Вилоят ҳокимлигида

КОТИБИАТ ЙИҒИЛИШИ

Вилоят ҳокимлиги, Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятининг 2001 йил ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Хўжаева бошқарди.

Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқармалари вакиллари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, шунингдек, котибиятнинг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг Оила, оналик ва болалик-

нинг ижтимоий ҳимоя қилиш котибиятлари ҳамда ушбу мажмуа тасарруфидаги ташкилотларнинг 2001 йилнинг олти ойлик фаолияти натижалари ва ярим йил давомида вилоятда «Соғлом авлод», «Она ва бола» давлат дастурларининг қандай бажарилганлиги кўриб чиқилди. Кўрилган масалалар юзасидан котибиятнинг 2001 йил иккинчи ярим йиллик иш фаолияти учун аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Учрашув

ОЛИМПИАДА ГОЛИБЛАРИДАН УМИД КАТТА

Хабар қилинганидек, олти нафар ҳамюртимиз АҚШ пойтахти Вашингтондаги нуфузли Жорж Мейсон университетида ўтказилган ёш математикларнинг 42-Халқаро олимпиадасида совринли ўринларни қўлга киритиб қайтди. Халқ таълими вазирига қўйилган ва уларнинг муаллимлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазири Р.Жўраев Ватанимиз ёшлари мустақиллик йилларида нафақат юртимиз, балки эътиборли халқаро олимпиадалари ва танловларида муваффақиятли иштирок этиб, мамлакатимиз илмий салоҳияти, шаъни ва шарафини муносиб ҳимоя қилаётганини таъкидлади.

42-Халқаро математика олимпиадасида қатнашиб, совриндор бўлган Умид Раҳмонов, Умид Ражабов, Зулфиддин Камолов ҳамда Но-

зимжон Комилов олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлди. Наманган Давлат университети қошидаги академик лицейнинг 10-синф ўқувчиси Отабек Самадов ҳамда Ангрен Давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг 9-синф ўқувчиси Ҳамза Давлатов эса келаси йили Буюк Британияда бўлиб ўтадиган олимпиадада яна ўз билим ва маҳоратини намоиш этади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

ЯХШИ НИЯТ МЕВАЛАРИ

Инсон одати шунақа: бирор иш бошлашидан олдин яхши ният қилади, ниятларини ушалсин, дейди. Кўлига қалам олган қаламкаш хоҳ у атоқли адиб бўлсин, хоҳ ҳаваскор дилига учкун тушгандагина тўрт қатор нарса битади. Уни дастлаб тахририятга йўллайди, чоп этилса, одамлар ўқиса деб ният қилади.

Тахририятимизга ҳар куни ана шундай яхши ният мевалари бўлган мактублар келиб туради. Уларнинг муаллифлари 17 ёшдан 70 ёшгача бўлган замондошларимиз, турли касб эгалари. Муаллифлар ранг-баранг жанрларда қалам юритиб, ўз шеър, мақола, хабар, ҳикояларини жўнаштишган. Уларни ўқийсизу вилоятимиздаги қайноқ ҳаёт нафасини ҳис этасиз.

Қибрайлик отахон Рўзимат Даминовни «Бахт қомуси», «Бахт юлдузлари» каби ўнлаб шеърларида кекса юракнинг дил розлари ўз аксини топган. Отахон яшаган ҳаётдан рози инсон сифатида ёш авлодни, озод Ватанимизни, келажакни мадҳ этади. Худди шундай чирчиқлик Х. Тўйчибоевнинг «Ҳумо қуши», паркентлик А. Ирматовнинг «Мустақиллик», М. Очиловнинг «Отажоним Абдурауфга», чинозлик Т. Мўминовнинг «Оқ қайин», «Умр ўтар», «Кўхна ривоят», бўстонлик Ш. Мадраимовнинг «Кўклам», зангиоталик С. Қобуловнинг «Бағишлов», оҳангаронлик А. Саидовнинг «Аччиқ хотира», янгибозорлик Гуланда Ҳазаевнинг бир туркум шеърлари ҳам илҳом меvasи сифатида дунёга келганига шубҳамиз йўқ. Муаллифлар дил туғёнларини қоғозга туширганлару лекин уларнинг шеърларида оддийгина қофия, турок, энг муҳими ўзига хос янги фикр кўринмайди. Ваҳоланки, буларсиз шеър бўлмайди. Шу сабабли ҳам уларнинг кўпчилигидан фойдалана олмадик.

Муаллифларимизнинг иккинчи бир гуруҳи ўзларининг мақолалари билан газетамизда қатнашиш истагидалар. Улар орасида бекободлик Ўғилбой Абдукаримовнинг шахар бозори ҳақидаги лавҳаси, Т. Азлархоновнинг «Ҳаммом тарихини биласизми?», ангрелик Н. Шофайзиева, Ж. Жаббороваларнинг «Турк қишлоқнинг болалари ўғайми?», «Ёлғизгина ёдгорим»,

оққўрғонлик П. Эргашевнинг «Кенгашиб олишди», ЎЗМУ журналистика факультети толибаси Ш. Маҳмадова-нинг «Кекса зиё маскани», пскентлик З. Олимжоновнинг «Гўзал байтлар соҳиби» сингари хабар ва лавҳалари бор. Муаллифларнинг фактларга кам эътибор бергани, бундан ҳам муҳимроғи, танланган мавзунинг долзарб эмаслиги мақолаларнинг бир қадар суст бўлиб қолишига сабаб бўлган. Шундай воқеа ва ҳодисалар бўладик, улар нафақат туман ёки қишлоқ, балки вилоят ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биз ўзимизнинг жамоатчи мухбирларимизга айнан мана шунга эътиборларини назардан четда қўймасликларини сўрадик.

Ижод масъулият дейишди. Шундай экан, ёзилган ҳар бир сатр тарихга айланди, уни ўқиганлар вилоятимизда шунчалар катта ўзгаришлар бўлиб бераётганидан қувонсин, мухбирнинг топқирлигига, тезкорлигига тан берсин. Бугунги матбуот мана шунини талаб қилади. Бугун кўп сўзларни қалаштириб саҳифа-саҳифа асар ёзган пайт эмас. Имкони борича пишиқ-пукта, лўнда қилиб ёзиш зарур. Шундагина яхши мевалари бўлган ҳар қандай асар ўз ўқувчисини топади. Бизга мактуб йўллаётган, ўзининг дил туғёнларини биз билан ўртоқлашаётган муштарийларимизга, қаламкашларга қўлимизни кўксимизга қўйиб, миннатдорчилик билдирамиз ва умид қиламизки, хат орқали дийдор кўришимиз бундан кейин ҳам давом этаверади.

Қуйидаги бир туркум асарлар мухбирларимизнинг ижод намуналаридан саралаб олинди.

Хатлар, мулоҳазалар, тақлифлар

РОСТҒҲЙЛИК

РостғҲйлик – гўзал инсоний фазилатлардан бири бўлиб, мевали дарахтнинг бир мурғак ниҳолчасига ўхшайди. Уни ҳар бир киши ёшлигиданоқ боғбондек ўз қалбига экиши, асраб-авайлаб сақлаши, парвариш қилиши, камолга етказиши лозим. Шундагина у ўзининг ширин-шакар ва соғлом меваларини беради.

РостғҲйлик ақл-идрок ва тўғрилиқ элчисидир. РостғҲйлик кишининг ички дунёсини аниқ-равшан акс эттирадиган маънавий кўзгудир. РостғҲйлик – бу душманни доғда қолдирган чўпон Широқдир. РостғҲйлик – бу тўғри сўзи учун етти йил зиндон азобини чеккан Алпомишдир. РостғҲйлик – бу бегуноҳлиги учун дорга осилган Бобораҳим Машрабдир. РостғҲйлик – бу софдил ва ҳозиржавоб бўлганликлар учун «Қизил империя» жаллодлари ўқига ем бўлган ёзувчи Абдулла Қодирий ва шоир Чўлпондир, Усмон Носирдир.

РостғҲйлик ҳаётнинг барча жабҳаларида турли шакл-шамойилда содир бўлади. Баъзилар ростғҲйликни бетга чопарлик, деб ўйлашади. РостғҲйликнинг энг муҳим шартларидан бири оқни оқ, қорани қора дейишдир.

«Бетга айтганнинг захри йўқ», «Дўст ачитиб, душман қулдириб айтар» каби

ажойиб мақолларимизни унутиб, ўрнига «Тўғри гапирма, тўғри гапирсанг, туққанингга ҳам ёқмайсан» каби шиорларга елимдек ёпишиб олган эдик. РостғҲйлик ўрнини ёлғончилик эгаллаган эди. Хатою-нуқсонларимизни хаспўшладик. Аччиқ ҳақиқатни рўй-рост айтишдан қўрқдик. Юзма-юз, очиқчасига рост айтишдан ҳайиқдик. Ҳаётга – куёшга тик боқа олмадик. Ўзбек шоири Муқимийнинг «Гар қилич бошимга келса-да, дегайман ростин» деган ашуласини ёдимиздан чиқариб, ўрнига: «Сен менга тегмасанг, мен сенга тегмайман», деган ғалати қўшиқни ўргандик.

Рост сўзини айтиш бугуннинг ҳуснидир. Ўн ёшини кутиб олаётган истиқлолимизнинг бир гули ростғҲйликдир. Шундай экан, бу гул ҳаммамизнинг қалбимизда яшнаб турсин.

**Ҳасан ОТАҚУЛОВ,
Бекобод шахри.**

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ҚИЗ

Бугунги кунда буюк келажакнинг бунёдкори бўлган ёшлар учун катта имкониятлар яратилган. Уларнинг ўзида изланиш ва интилиш бўлса бас. Маърифат Акбарова орзу, умид ва мақсад сари интилиб яшаётган ёшларимиздан бири.

У Жаҳон тиллари университетининг инглиз тили факультетига таҳсил олмоқда. Маърифат 1-курсдаёқ университетнинг жамоат ишларида ва танловларда иштирок эта бошлади. Ўзи ўқийётган гуруҳнинг бошлиғи сифатида ўқиш-изланишларини фаоллик билан давом эттириб келмоқда.

Бўладиган бола бошидан маълум, деган нақл бор. Маърифатнинг болалик ва ўқувчилик йиллари ҳам интилиш ва изланиш билан ўтди. У юқори синфда ўқиб юрган даврларида инглиз тили олимпиадасида қатнашиб, вилоятда II-ўринга сазовор бўлди. «Хуқуқингизни биласизми?» «Яшил чироқ», «Балли, қизлар» танловларида ҳам фахрли ўринларни эгаллаган. Маърифат мусаввирлик соҳасида ҳам ўз имкониятларини синаб кўрди. Мактабда Амир Темур суратини чизиш бўйича ўтказилган танловда иккинчи ўринни эгаллади.

Ўзининг ойдин орзулари сари интилиб яшаётган Маърифатдан ўрнат олса арзийди.

**Гулбаҳор
Ортиқхўжаева,
Дилноза МАДРАИМОВА.**

СИРЛИ КУНДАЛАР

Тақдир тақозоси билан Паркент туманига қарашли «Қорақалпоқ» жамоа хўжалигидан ярим гектар узумзорни ижарага олдим. Баъзан ишдан бўш пайтлари боғбонлар билан бир пиёла чой устида турли мавзуларда суҳбатлашиб ўтирардик. Сўлим Сўқоқ қишлоғидан келган ижарачи-боғбон Кўчқор акадан бир гаройиб ҳикоя эшитгандим.

Оиламиз билан Сўқоққа кўчиб борган 1980 йили Каромат ая исмли аёлнинг ҳовлисида яшадик. Бир куни соат тўртларда ишдан келсам, хотиним ўрин-кўрпа қилиб ётибди. Бош томонида хомуш ўтиришган ўғил-қизларим: «Ойим дўкандан келиб, оёғининг лойини уйнинг орқасидаги кундаларга артган экан, ичкарига киргач, юраги оғриб қолди», деб чўғурлашди.

Фарзандларимнинг онаси тилдан қолган эди, уни гаптиришга ҳаракат қилганим бекоорга кетди. Ташқарига чиқиб, кўшнимиз Одил бободан бу сирни сўрадим. У «Бу кундалар авлиё. Бўлмаса етмиш йилдан буён на иссиқ, на совуқ бунга таъсир қилади, болам. Унга атаб чироқ ёқиб, Куръон тиловат қилиш керак», деди. Кечқурун пахтадан пиллик эшиб, уни мойга ботирдим ва ўша кундаларнинг ўртасидаги гишт устига чироқ ёқиб, ўз билганимча тиловат қилдим. Пиликнинг қора тутунга беланиб ёнишини бир оз кузатиб, уйга кирдим. Сал вақт ўтгач, хотиним инграб, қимирлай бошлади. Бу вақтда деразадан кўриниб турган

чироқ ҳам ёниб тамом бўлаётган эди. Хотиним уч-тўрт дақиқадан кейин гўё ҳеч нарсаси бўлмагандай, ўрнидан туриб чой сўради. Ўша воқеадан кейин орадан 2-3 кун ўтгач, қалин қор ёғди. Россиядан келган бир гуруҳ сайёҳларнинг бир-иккитаси дам олиш уйида хона етишмаслиги сабабли Одил бобоникига ижарага туриш учун кўчиб келишди. Эртаси куни ишдан келсам, 3-4 киши бир беморни кўтариб «Тез ёрдам»га ортишаётган экан. Улар жўнаб кетишгач, бунинг сабабини хотинимдан сўрадим. «Тез ёрдам»да кетган киши кундаларнинг бирини майдалаб, печкага ёққан экан. Эрталаб шериги чақирса, у уйғонмас эмиш...

Одил бобонинг айтишича, бу кундалар бир вақт улкан чинор бўлиб, уни кесган кишилардан учтаси вафот этган, тўртинчиси эса руҳий хасталикка чалинган экан... Чинор кундалари шу кунларда ҳам бор... Олам ажойиботга тўла, дейдилар. Авлиё кундалар сири ҳозир ҳам бу айтишнинг гувоҳидир.

**Абдураҳим МАТҚУЛОВ,
Юқоричирчиқ тумани.**



**Владимир ГРАНКИН
олган сурат-лавҳа.**

КУЙЛАМОҚ ИСТАЙМАН

**Бир қўшиқ куйламоқ истайман
Яйраб кетса тинглаган инсон.
Қанот боғлаб айтган қўшиғим
Ер юзига таралса шодон.**

**Барча эллар тингласа дейман,
Ўзбек ўғли айтганда қўшиқ.
Ўзбекистон нафасин туйиб,
Жўр бўлсалар улар ҳам жўшиб.**

**«Уруш», «қирғин» каби сўзларни
Унутсалар абад авлодлар.**

**Шўх қулзуга айланса фақат,
Қайлардандир келган фарёдлар.**

**Тошдан тошга сакраса эркин,
Тоғ қўйнида хуркак оҳулар.
Сайёд жабрин кўрмаса дейман,
Ногоҳ учган ўқдан оҳ, улар...**

**Бир қўшиқ куйламоқ истайман,
Пайванд этсин дилни дилларга
Кириб борсин қалблар қаърига,
Кўчиб юрсин тилдан тилларга.
Қудрат ОДИНАЕВ, Оҳангарон тумани.**

Dushanba

23

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
*
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Биби Убайда».
9.00, 12.25 ТВ метео.
9.05 «Нафосат гулшани». Мусикий дастур.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 «Диккат, тошбақа». Бадий фильм.
11.25 Дони Зокиров номидаги халқ чолгулари оркестрининг концерти.
11.50, 12.55 ТВ анонс.
12.05 «Футбол олами».

12.30 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 «Оталар чойхонаси».
14.10 ТВ-1 намоиш этади:
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 Кундузги сеанс. «Икки дил достони». Бадий фильм.
16.10 «Зиё» студияси намоиш этади:
«Этикод мустақамлиги йўлида».
16.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.10 Ўз ТВ хазинасидан. «Бобур». Видеофильм. 1-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 ТВ клип.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Ўзлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиклол наҳидаси». Мусикий дастур.
22.05 «Маънавият» дастури.
23.00 «23, 5 даражали бурчак остида».
Телесериал премьераси. 13-қисм.
23.25 «Ахборот».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
10.20 «Мульттомоша».
10.50, 13.55 Мусикий лаҳзалар.
11.00 «Давр ҳафта ичида».
11.40 «Ўзбекистон жаҳоирлари». Телефильм.

11.50 «Нажот истаб». Хамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.35 «Давр»-news.
14.05 Жаҳон жуғрофияси.
14.55 Автосалтанат. Дастур.
15.10 Дастхат.
15.30 Ёзги таътил экрани. «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
15.55 Саломатлик сирлари.
16.15 «Заковат» интеллектуал ўйини.
17.15 Спорт ҳафтанома.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» почтаси.
18.55 «Мульттомоша».
18.10 «Ватан мадҳи».
18.20 Остонадаги орзулар.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Муҳаббат қўшиқлари.
19.45 Тафаккур ёлқинлари.
20.00 Олтин мерос.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 21.15, 22.30 Ўзлонлар.
20.30 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Дон Кихот». Бадий фильм. 1-қисм.
21.20 Мусикий лаҳзалар.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 «Мусикий меҳмонхона».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «t' 36, 6».
Мусикий-дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.25, 22.10 «Ўзбегим навоси».
21.55 «Авто-news».
22.40 ТТВда сериал: «Селеста».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00

15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.20 «Фавкуллода чақирув».
*
17.55 «Аншлаг билан таътилда».
18.50 «Клип-антракт».
*
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.40 «Чангалзорлар қонуни». Хужжатли фильм.
21.35 Махфий ҳужжатлар «X-fail».
*
22.30 «Бизнес-ревью».
22.35 «Клип-антракт».
22.45 «ТВ-4да Немис тўлкини».
23.05 «Ахборот» (рус тилида)
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Seshanba

24

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Тараққиёт».
9.25, 12.30 ТВ метео.
9.30 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Афросиё».
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
10.25 «Кулол ва хумча». Бадий фильм.
11.40 «Рақслар гулдастаси».
12.05 «Шоҳрух клуби».
12.35 «23, 5 даражали бурчак остида».

Телесериал. 13-қисм.
13.00, 13.55 ТВ-анонс.
13.10 «Мусиқа: кеча ва бугун».
13.30 «Яккама - якка жанг». Спорт дастури.
14.10 Кундузги сеанс: «Оилавий ҳаётдан лавҳалар». Бадий фильм.
15.30 ТВ клип.
15.40 «Маънавият» дастури.
16.30 «Аския кечаси».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Орзулар дово».
18.20 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.40 Эстрада тароналари.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусикий дастур.
22.00 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Буюк аждодларимиз». Ибн Сино.
22.20 «Ҳамроҳ». Теленовелла.
22.55 «Ахборот».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Мульттомоша».
9.50 Мусикий лаҳзалар.
10.00 Саломат бўлинг.
10.20 «Индаба».
Телесериал.
10.45 Кинотақдим.
11.05 «Даллас». Теле-

сериал.
11.50 Ёшлар овози.
12.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
13.45 Кўҳна оҳанглар.
13.55 «Дон Кихот». Бадий фильм 1-қисм.
14.40 Остонадаги орзулар.
15.00 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
15.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
16.05 Ёшлар куйлайди.
16.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал 98-қисм.
17.00 Азизим.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
17.50 «Мульттомоша».
18.05 Таянч.
18.20 Олтин мерос.
18.25 Ватан манзаралари.
18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 Ёшлик қўшиқлари.
20.05 Марди майдон.
20.25, 21.15, 22.30 Ўзлонлар.
20.30 «Дон Кихот». Бадий фильм. 2-қисм.
21.20 Мусикий лаҳзалар.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Снукер бўйича мусобақалар.
00.20-00.25 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Мультфильм.
18.15 «Хуқуқимиз кафолати».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «t' 36, 6».
Мусикий-дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.25, 22.25 «Ўзбегим навоси».
21.55 «Туризм ҳақида».
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00

15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.20 «Голливуднинг ёввойи юлдузлари».
*
17.50 «Аншлаг билан таътилда».
18.45 «Клип-антракт».
19.00 «Миллионни ўғирлаш». Бадий фильм. 1-қисм.
20.00 «Время».
*
20.40 «Бизнес-ревью».
20.45 «Бебилиска пул». Сериал.
21.35 «СНН-шоу».
21.50 «Клип-антракт».
22.00 Кинематограф. «Жаноб Магу». Бадий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Chorshanba

25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Алла».
9.10 «Дутор», танбур тароналари. Концерт.
9.25, 12.20 ТВ метео.
9.30 «Кино янгиликлари».
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Алифбо сабоқлари».
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.25 «Қойилмақом иш». Бадий фильм.
11.35 «Миттивойлар оиласи». Кинокурса-тув.
11.55, 16.50 ТВ-анонс.
12.05 «Қамолот сари».
12.25 «Даврани

кенгроқ олинг». Мусикий дастур.
12.55 М. Низонов. «Ҳадик». Телевизион новеллалар театри.
13.30 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури.
13.50, 15.35 ТВ-клип.
14.10 Кундузги сеанс: «Малина виноси». Бадий фильм.
15.45 «Остонаси тиллодан».
16.10 «Гийҳвандлик - аср вабоси».
16.30 «Зарғалдоқ». Мультфильм.
17.00 «Муҳаббат соғинчи». Мусикий дастур.
17.25 ЎзТВ хазинасидан. «Бобур». Видеофильм. 2-қисм.
18.10 «Бехзод ворислари».
18.35 «Иқтисод ва биз».
18.45 Мусикий танаффус.
18.50 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Аёл дунёни тебратар».

19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Олтин мерос».
20.30 «Ахборот».
21.05 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Диёр мадҳи».
21.30 «Толей ёруғ одамлар».
21.40 «Шу азиз Ватан - барчамизники». Қорақалпоғистон Республикаси. ва вилоятлар фестивали. Фарғона вилояти.
22.00 «Қизлар давраси».
23.05 «Ахборот».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
9.35 «Мульттомоша».
9.50 Мусикий лаҳзалар.

10.00 «Давр» - интервью.
10.15 «Индаба».
Телесериал.
10.40 Ёшлик қўшиқлари.
10.55 «Даллас». Телесериал.
11.40 Таянч.
11.55 Ёзги таътил экрани. «Кенжатоидан кўрк, эй ғаним».
13.00 Ёшлар овози.
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 «Дон Кихот». Бадий фильм 2-қисм.
14.15 Ватан манзаралари.
14.35 Олтин мерос.
14.40 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
15.05 Очун.
15.30 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
15.55 Хайрат.
16.15 «Бугунги Аржун». Бадий фильм. 1-қисм.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
18.00 «Мульттомоша».

18.15 «Мени тушун...» Телеўйин.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Сийрат».
19.55, 22.30 Ўзлонлар.
20.00 Спорт - лото.
20.10 «Очил дастурхон».
20.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
21.15 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.20 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Бунёдкорлик». 6-фильм. «Юрт тинчлиги, эл фаровонлиги, Ватан равнақи».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 «ХОН» голибларни эълон қилади.
22.45 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.55 «Даллас». Телесериал.
23.40 «Давр». Ахборот

дастури.
23.55 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
1.30-1.35 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Мультфильм.
18.15 «Дурдона».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «t' 36, 6».
Мусикий дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.25, 22.15 «Ўзбегим навоси».
21.55 2001-йил - Оналар ва болалар йили. «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.45 ТТВда сериал: «Селеста».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00

15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.20 «Инсон ва қонун».
*
17.50 «Британия кундалиги».
18.05 «Аншлаг билан таътилда».
19.00 «Миллионни ўғирлаш». Бадий фильм 2-қисм.
20.00 «Время».
*
20.40 «Бизнес-ревью».
20.45 «Бебилиска пул». Сериал.
21.35 «Кинопрофи».
22.00 «Клип-антракт».
22.10 Кинематограф. «Алам». Бадий фильм.
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Payshanba

26

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Буюк

Ипак йўли - Нурота».
9.15, 12.30 ТВ метео.
9.20 «Шарқ тароналари». III халқаро мусиқа фестивали олдидан.
9.45 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Аёл дунёни тебратар».
10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва тақлиф».
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.20 «Еттинчи жин». Бадий фильм.
11.20 «Бехзод ворислари».
11.45 «Саёҳатчи қурбақа». Мультфильм.
12.05 «Ўзлинг намоен қил». Экранда - Қорақалпоғистон Республикаси.
12.35 Лирик концерт.
13.00 «Шу азиз Ватан барчамизники». Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фестивали. Фарғона вилояти.
13.20 «Олам». Телеальманах.
13.55, 17.15 ТВ анонс.
14.10 Кундузги сеанс: «Таътилга чиқолмадик». Бадий фильм.
15.25 «Истиклол наҳидаси».
15.35 «Орзулар қаноти-

да».
15.55 Ҳ. Ҳақимов. «Минг бир кеча». Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
17.25 «Халқаро ҳаёт - шарҳловчилар нигоҳида».
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Сихат-саломатлик».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Юртим мўъжизалари».
21.20 Санъат усталарининг концерти.

21.45 «Хазон бўлган умр». Телеспектакль.
23.05 «Ахборот».
23.40 «23, 5 даражали бурчак остида».
Телесериал премьераси. 14-қисм.
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё

10.00 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Юртим мўъжизалари».
21.20 Санъат усталарининг концерти.

ва болалар». 9.35 «Мульттомоша». 9.50. Мусикий лаҳзалар. 10.00 Сийрат. 10.20 «Индаба». Телесериал. 10.45 Спорт-китъаси. 11.10 Сенинг вақтинг. 11.30 «Даллас». Телесериал. 12.15 «Мени тушун...» Телеуйин. Ёзги таътил экран: 12.40 «Катта бўлишни хохламайман». Бадий фильм. 13.50 «Кундуз амакининг ҳикоялари».	Мультсериал. 14.15 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интер-футбол. 15.45 Кўҳна оҳанглар. 15.55 «Бугунги Аржун». Бадий фильм 2-қисм. 17.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Снукер бўйича мусобақалар. 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Мульттомоша». 18.25 «Янги авлод» студияси: «Ассалом, оромгоҳ!» 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 «Иқлим». 19.00 «Давр». Ахборот дастури.	19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари. 19.35 «Давр» - интервью. 19.50 Мусикий лаҳзалар. 20.00 Ёшлар овози. 20.20, 21.10, 22.30 Ёшлар. 20.25 «Дон Кихот». Бадий фильм 3-қисм. 21.15 Бегийм. 21.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига. «Озод юрт фарзандлари». 21.50 Ватан ҳақида кўшиқ. 22.00 «Давр». Ахборот	дастури. 22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари. 22.40 «Даллас». Телесериал. 23.25 «Давр». Ахборот дастури. 23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интер-футбол. 1.15-1.20 Хайрли тун. «Тошкент» телеканал 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.05 Мультфильм. 18.15 «Халқ саломатлиги йўлида».	18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Мустақиллик тенгдошлари». 19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси. 19.15 «Г 36, 6». Мусикий-дам олиш дастури. 20.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз». 21.25, 22.10 «Ўзбегим навоси». 21.55 «Этикод». 22.40 «Интерспорт». 22.55 ТТВда сериал: «Селеста». 23.40 Оҳанглар ва ёшлар. 23.55-24.00 «Хайрли	тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ 15.55 Кўрсатувлар тартиби. 16.00 «Вести». 16.25 «Морена Клара». Сериал. 17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 17.20 «Ўзим биламан». Ҳажвий журнал. 17.50 «Аншлаг билан таътилда».	18.45 «Клип-антракт». 18.50 «Денгизчи гузалим». Бадий фильм. 20.00 «Время». 20.40 «Бизнес-ревью». 20.45 «Бебилиска тул». Сериал. 21.35 «Соккер-клуб». 21.55 «Клип-антракт». 22.05 Кинематограф. «Рим империясининг емирилиши». Бадий фильм. 1-қисм. 23.35 «Ахборот» (рус тилида) 24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	--	---	--	--	--	--

JUMA

27

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Хива». 9.10, 12.30 ТВ метео. 9.15 «Созим - ҳамрозим». Мусикий дастур. 9.40 «Акаиро». Мультфильм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Инсон ва замин». Болаларнинг ёзги таътил кунларида: 10.20 «Оляга аталган гуллар». Бадий фильм. 11.40 «Ёзувчилар - болаларга». Ҳаким Назир. 12.05 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 14-қисм.	12.35 «Хазон бўлган умр». Телеспектакль. 13.55 ТВ-анонс. 14.10 «Истиклол надида». 14.20 «Ёшларнинг ёки бебошлик?» 14.35 «Цирк, цирк, цирк». 14.55 Кундузги сеанс: «Буланка меҳмонхонаси». Бадий фильм. 16.30 «Озод юрт одамлари». 16.45 «Тольф-клуб». Спорт дастури. 17.00 ЎЗТВ хазинаси-дан. «Бобур». Видеофильм. 3-қисм. 17.35 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гизинтоймиз». 18.10 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра». 18.30 ТВ клип. 18.35 «Омад қувончи». Телелотерея. 19.05 «Имконият». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртакла-	ри. 20.15 Киноконцерт. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Кўшиқ-ла ҳаёт гузал». Мусикий дастур. 21.35 «Толеи ёруғ одамлар». 21.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига. «Истиклолдан зиё топган юрт». Телетанлов. Экранда - Хоразм вилояти. 22.15 Футбол бўйича мамлакат чемпионати. «Пахтакор» - «Бухоро». 23.00 «Ахборот». 23.35-23.40 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Ассалом, оромгоҳ!» 9.35 «Мульттомоша». 9.50 Мусикий лаҳзалар. 10.00 «Давр» - интервью. 10.15 «Индаба». Телесериал. 10.40 Бегийм.	11.00 «Даллас». Телесериал. 11.45 Ёшлар овози. 12.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интер-футбол. 13.40 Кўҳна оҳанглар. Ёзги таътил экран: 13.50 Мультфильм. 14.15 Уйна, болажон, уйна! 14.35 «Дон Кихот». Бадий фильм. 3-қисм. 15.20 Саломат бўлинг. «Тўғри овқатланиш». 3-курсатув. 15.40 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал. 16.05 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари». Телесериал 99-қисм. 16.50 Ёшлар қуйлайди. 17.00 Одил сўз. 17.15 Кўрсатувлар дастури. 17.20 «Янги авлод» студияси: «Кувнок учрашув». 17.40 «Мульттомоша». 17.55 Автосалтанат. 18.10 2001-Оналар ва болалар йили. «Фарзандим-жигарбандим». 18.25 Аскар мактублари.	18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 «Иқлим». 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари. 19.35 Хуқуқ ва бурч. «Қамоқ афзалми ёки жазима». 3-курсатув. 20.00 Ёшлар наволари. 20.10 Аср қиёфаси. 20.30, 21.15, 22.30 Ёшлар. 20.35 «Дон Кихот». Бадий фильм. 4-қисм. 21.20 Мусикий лаҳзалар. 21.25 Азизим. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари. 22.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 23.40 «Давр». Ахборот дастури. 23.55-00.05 «Мунаввар тонг истаб». «Тошкент» телеканал 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».	18.05 «ТВ плюс». 18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Мустақиллик тенгдошлари». 19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси. 19.15 «Г 36, 6». Мусикий-дам олиш дастури. 20.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз». 21.25, 22.10 «Ўзбегим навоси». 21.55 «Огоҳ». Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси матбуот маркази хабар қилади. 22.40 «Ёшлар худуди». 23.05 ТТВда сериал: «Селеста». 23.50 Оҳанглар ва ёшлар. 00.05 Кинонигоҳ. «Болаларим қаерда?» 1.30-1.35 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ 15.55 Кўрсатувлар тартиби. 16.00 «Вести».	16.25 «Морена Клара». Сериал. 17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 17.20 «Қушдек енгил бўлинг». М. Евдокимов хузурида меҳмонда. 17.50 CFI тақдим этади: «Массимо цирки». 18.50 «Мўъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.40 «Бизнес-ревью». 20.45 «Жонли оҳанг, жонли тарих». 21.20 «Дурдаршан». 21.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига. «Кун мавзуси». 22.00 «Клип-антракт». 22.10 Кинематограф. «Рим империясининг емирилиши». Бадий фильм. 2-қисм. 23.40 «Ахборот» (рус тилида) 00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	--	---	--	---	---	--

SHANBA

28

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 8.55 Бухоро вилояти хонадалари қуйлайди. 9.15, 11.00 ТВ-метео. 9.20 «Малика ва етти баҳодир». Мультфильм. 9.50 «Хидоят сари». «Тирик сайёра» кинодастури: 10.10 «Қушлар ҳақида ҳақиқат - 5». Хужжатли фильм. 11.05 «Ойдин кечалар». Бадий кўрсатув. 11.45 «Кувнок стартлар». Телемусобақа. 12.20 Телевизион миниатюралар театри. 12.55, 16.05 ТВ анонс.	13.00 «Яхши кайфият». Мусикий дастур. 13.25 ТВ-1 кинотеатри: «Шахризоданинг янги эртаги». Бадий фильм. 1-қисм. 14.30 «Дўстлик» видеоканали. «Жети-ген». 14.40 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гизинтоймиз». 15.00 «Шахризоданинг янги эртаги». Бадий фильм. 2-қисм. 16.15 «Талабалик йилларим». 16.35 «Ўзбек спорти одимлари». 16.55 ТВ клип. 17.05 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион уйин. 18.05 «Фламинго». Кинокурсатув. 18.30 «Ранглар жило-си». 18.45 «Севги сурури». Мусикий дастур. 19.10 «Қишлоқ ҳаёти». 19.25, 19.55, 20.25,	21.00 Ёшлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртакла-ри. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Навоийхонлик». 21.15 «Шанба оқшоми-да». Бадий - мусикий дам олиш дастури. 21.50 Футбол бўйича мамлакат чемпионати. «Дўстлик» - «Нефтичи». 22.35 «Ахборот». «Тунги ёғду» кинода-стури: 23.10 «Прицилар оиласининг шаъни». Бадий фильм. 1-қисм. 00.10-00.15 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Кувнок учрашув». 9.20 «Мульттомоша». 9.35, Мусикий лаҳзалар.	9.45 Аср қиёфаси. 10.05 Ёзги таътил экран: «Эркатой». 1-қисм («Ўзбектелефильм») 10.40 «Уйна болажон, уйна». 11.00 Ёзги таътил экран: «Эркатой». 2-қисм. 11.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 12.35 Аёл қалби наволари. 12.50 «Рамаяна». Телесериал. 13.25 Саломат бўлинг. «Тўғри овқатланиш». 4-курсатув. 13.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 14.25 «Дон Кихот». Бадий фильм 4-қисм. 15.10 Хуқуқ ва бурч. «Қамоқ афзалми ёки жарима». 3-курсатув (такрор.) 15.35 Жаҳон жуғрофияси. 16.25 Ёшлар қуйлайди. 16.35 Кўрсатувлар дастури. 16.40 «Янги авлод»	студияси: «Бўш ўтирма». 17.00 «Мульттомоша». 17.15 Бола тилидан. 17.45 «Хазина». 18.05 Ёшлар овози. 18.25 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс. 19.35 «Давр»-интервью. 19.50 Каталог. 20.00 Меҳр кўзда. 20.30, 21.10, 22.40 Ёшлар. 20.35 «Рамаяна». Телесериал. 21.15 Қутилмаган меҳмон. 21.35 Футбол плюс.... 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Тунги тароналар. 22.45 «Муҳаббатдан девоналар». Бадий фильм. 00.15-00.20 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».	18.10 «Мисли гавхар». 18.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 18.50 «Мустақиллик тенгдошлари». 19.05 «Г 36, 6». Мусикий-дам олиш дастури. 19.55, 20.50, 21.50 «Экспресс» телегазетаси. 20.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз». 21.00 «Спорт-тайм». 21.20, 22.00 «Ўзбегим навоси». 22.30 Кинонигоҳ. «Жаноб «бахтсиз ходиса» 23.55 Оҳанглар ва ёшлар. 00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Клип-антракт». 9.10 «Смак». 9.30 Е. Петросяниннинг Кулги панорамаси. 10.05 Кундузги сеанс: «Оқшом тушунча». Бадий фильм. ***	11.45 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун курсатув. 12.05 «Кўнгли кўнглига пайванд». Телешоу. 12.40-13.30 Дўстлик видеоканали: «Чин-сен», «Немис шарҳи», «Бизнен мирас». *** 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Бинафша». 17.30 «Саёҳатлар олами». 17.45 «Клип-антракт». 18.00 «Викарий уйдаги қотиллик». Бадий фильм. 20.00 «Время». 20.40 «Уч эркак ва жажжи хоним». Бадий фильм. 22.40 «Бизнес-ревью». 22.45 «Музик-холл». 23.05 Кинематограф. «Қақшқич пўртана». Бадий фильм. 00.25 «Ахборот» (рус тилида) 00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	--	--	---	--	--	--

Yakshanba

29

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.05 «Янгрисин шўх яллалар». Концерт. 9.25, 11.25 ТВ-метео. 9.30 «Уйинчоқлар сири». Мультфильм. 9.40 «Шоҳрух клуби». 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 Киноанонс. 11.05 2001 йил - Аналар ва болалар йили. «Бола бошидан». 11.30 «Жаҳон цирки. Масси». 12.20 «Қалб гавҳари». 12.40 «Қуйлардан қўшиқларга». 13.00 ТВ-1 кинотеатри. «Ошиқ бекдорлар». Бадий фильм.	1-қисм. 14.20 «Кувнок шаҳарча». Телеуйин. 14.50 «Ошиқ бекдорлар». Бадий фильм. 2-қисм. 15.55 «Муҳофаза». 16.05 «Зомин илҳомлари». Мушоира. «Спорт» дастури: 16.25 Футбол бўйича мамлакат чемпионати. «Навбахор» - «Насаф». 17.10 «Яккама-якка жанг». Спорт дастури. 17.30 Киноанонс. 17.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 18.05 «Олтин тож». Телевизион уйин. 18.25 «Қишлоқ ҳақида уйлар». 18.45 «Оҳангларга ошуфта кўнгли». Мусикий дастур. 19.05 «Тўртинчи ҳокимият». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшлар. 19.30 «Тахлилнома»	(рус тилида) 20.05 «Оламга саёҳат». Кинокурсатув. 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Дам олиш дастури. 21.50 ТВ-1 намоиш этади. «Якшанба кинозали»: 22.05 Жаҳон киноси юлдузлари. 22.25 «Прицилар оиласининг шаъни». Бадий фильм. 2-қисм. 23.25-23.30 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 9.20 «Мульттомоша». 9.35 Футбол плюс. 9.55 «Давр»-интервью. 10.10, 15.35 Мусикий лаҳзалар. 10.25 Ёзги таътил экран: «Эркатой». Бадий фильм 3-қисм. 11.00 «Ёшлар» телека-	налида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марду майдон», 2. «Аскар мактублари». 11.40 Мусикий дастур. 11.55 «Очил дастурхон». 12.10 «Рамаяна». Телесериал. 12.45 «Жараён». Сувдан оқилана фойдаланиш ҳақида. 13.05 Ёшлар овози. 13.25 III Халқаро «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали олдидан. 13.45 «Гул мавсуми, ёмғир мавсуми». Бадий фильм. 15.15 Саломат бўлинг. «Тўғри овқатланиш». 5-курсатув. 15.50 Қишлоқдаги тенгдошим. 16.10 Спорт ҳафтано-маси. 16.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 17.15 Кўрсатувлар дастури. 17.20 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус». 17.40 «Мульттомоша».	18.10 Якшанбада кўришгунча. 18.25, 21.55 «Иқлим». 18.30 «Давр»-pews. 18.50 Оқшом наволари. 19.00 «Денгиз жанги». Телелотерея. 19.45 Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига. «Қоши ёсини дейин...» Мусикий дастур. 19.55, 20.35, 22.50 Ёшлар. 20.00 «Рамаяна». Телесериал. 20.40 «Шаҳзода» гуруҳи тақдим этади: «Азиз юртим». Янги мусикий дастур. 22.00 «Давр» ҳафта ичида. 22.40 Тунги тароналар. 22.55 «Еввойи мушук дарасидан қочиш». Бадий фильм. 00.25-00.30 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 18.10 Мультфильм. 18.30 Болалар учун.	«Куралай». 18.50 «Мустақиллик тенгдошлари». 19.05 «Г 36, 6». Мусикий дам олиш дастури. 19.55, 20.50, 22.30 «Экспресс» телегазетаси. 20.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз». 21.00, 21.45 «Ўзбегим навоси». 21.30 «Эл хизматида». 22.15 «Авто-пews». 22.40 «ТТВ плюс юлдузлар». 23.00 Кинонигоҳ. «Шумтакалар». 00.15 Оҳанглар ва ёшлар. 00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Клип-антракт». 9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Ҳамма уйдалигида». 10.05 «Кайфият» дам	олиш дастури. 11.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 11.15 «Парле ву франсэ?» 11.40 «Фан-тайм». 11.50 «Эртақларнинг сеҳри олами». 13.30-14.10 «Дўстлик» видеоканали: «Айчу-рек», «Дидар». *** 17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 «Клип-антракт». 17.40 «Москва таътиллари». Бадий фильм. 19.25 Лариса Долина иштирокидаги концерт дастури. 20.40 «Бизнес-ревью». 20.45 «Тенгдошлар». 21.10 «Дунё бўйлаб». 21.50 «Клип-антракт». 22.00 Кинематограф. «Мовий олмос». Бадий фильм. 23.10 «Тахлилнома». 23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	---	---	---	---	--	---

ЯНГИ ДАРСЛИК

**Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университетининг русий
забон талабалар учун
«Ўзбек тили» дарслиги
нашр этилди.**

Китоб давлат тилида эркин сўзлашув, ўқиш ва ёзишни ўрганишда нафақат талабалар, балки рус тилида сўзлашувчи омма учун жуда қўл келади. Китоб муаллифи филология фанлари номзоди Ҳавохон Қаҳҳорова «Туркистон-пресс» мухбирига бу ҳақда шундай деди:

– Янги дарслик 29 сабоқдан иборат бўлиб, у ўзбек тили сўз бойлиги ва маданиятини ўзлаштиришнинг муҳим жиҳатларини қамраб олади. Энг аввало, мазкур дарсликдан маънавий қадриятларимиз, мустақил давлатимиз рамзлари, урф, анъаналаримиз, ўзбек халқининг буюк бобокалонлари тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

Ҳ. Қаҳҳорованинг таъкидлашича, ҳар бир дарс Ватан мавзусига бағишланган матн ҳамда унга илова қилинган машқларни ўз ичига олади. Улар устида ишлаган талаба грамматика, оғзаки ва ёзма нутқни пухта эгаллайди, қолаверса, ўз сўз бойлигини тўлдиради. Дарслик, шунингдек, амалий фольклор экспедицияларининг кенг дастурига эга.

«Туркистон-пресс».

Оддий иш кунларининг бирида шаҳар Давлат санитария-эпидемиология марказида ҳафталик йиғилиш бўлиб ўтди. Ташкилот раҳбари, шаҳар бош давлат санитария врачлари йиғилиши вазмин ҳолда олиб борди. Маълум бўлишича, шаҳарда истиқомат қилувчи оилалардан бирининг икки ярим яшар фарзанди клиникалардан бирига гидрофобия ва ёруғликдан қўрқиш белгилари билан ётқизилган. Тегишли мутахассислар болани текшириб кўриб, унда қутуриш хасталиги борлигини айтишган.

Айниқланишича, бу оила май ойларида Жиззах вилоятида меҳмонда бўлган. Шу ерда болани ва унинг уч ярим яшар опасини хонадон эгасининг кучуги тишлаган. Аммо тиббий муассасаларга мурожаат этишмаган.

Ҳозирги кунда жабрланган қизча шаҳардаги тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиникасида даволанмоқда. Унда касаллик белгилари қузатилмаганлиги боис шошилиш чоралар кўрилатганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилди. Қутуриш хасталиги тасдиқланган боланинг пешона қисмига, опасининг эса қулоғининг орқа томонига ит томонидан жароҳат етказилган экан.

Одатда тананинг бош қисмига қутурган ит томонидан шикаст етказилса, касалликнинг яширин даври оз муддат давом этиб, кейин касаллик белгилари кўрина бошлайди. Кўпинча жабрланувчи беморда нохушлик, лоҳаслик, кейинроқ тана ҳароратининг кўтарилиши, беморнинг тинчликини хоҳлаб қолиши, ўзини ёруғликдан олиб қочиши ва сувни кўрганда кўрқув аломатлари пайдо бўлиши, нафас олишининг қийинлашиши – гидрофобия белгилари қузатилади. Энг аёмони шундаки, бундай белгилар пайдо бўлган ҳолатлар фақат ўлим билан тугалланади. Бу хасталикни ҳозирча даволаб бўлмайди.

Аммо, унинг олдини олиш мумкин. Аввало, тананинг ит

жароҳат етказган жойини кир сови билан яхшилаб ювиш, зудлик билан беморни тиббиёт муассасасига олиб бориш



Шифокор огоҳлантиради

касаллигининг олдини олиш мақсадида турли ҳайвонлардан жароҳат олганларни даволаш учун вакцина сотиб олишга фақатгина Акмал Икромов туманида олти ой мобайнида 2 миллион 375 минг сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланган. Бундан бир ярим миллион сўми давлат бюджетидан, 900 минг сўми туман ДСЭМнинг эпидемиологик жамғармаси ҳисобидан олинган. Шундай экан, давлат томонидан яра-

етказилган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 32-сонли қарорида аҳоли томонидан уй ҳайвонлари қай йўсинда тутилиши зарурлиги, қачон улар тегишли эмдори билан эмланиб турилиши зарурлиги қайд этилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, айниқса, кўп қаватли уйларида яшовчилар ўз ит ва мушукларини қандай сақлашлари лозимлиги ва қайси қоидаларга риоя этишлари кўрсатиб ўтилган. Лекин, баъзи ҳолатларда шундай қонунбузарликлар рўй бермоқдаки, бунинг учун туманимиздаги 8та ширкат

ЎЗИМИЗНИ ва ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК

жавобгар шахсларига ва қатор мутасадди раҳбарларга жарималар солинди. Шаҳар бош давлат санитария врачлари ўша йиғилишда аҳоли орасида етарли даражада тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб, борилмаётганлигини таъкидлади.

Умуман, ҳеч кимнинг бошига қутуришдек нохуш дард тушмасин. Ўзимизни, фарзандларимизни бедаво қутуриш қасаллигидан эҳтиёт қилайлик.

Абдуҳаким САРИМСОҚОВ,
Акмал Икромов тумани
бош давлат санитария
шифокори.

зарур. Шу билан биргаликда итти ветеринария бўлимига топшириш, уни ўн кун давомида қузатувда сақлаш зарур. Жабрланган беморга, албатта, тегишли вакцина қўлланилган тарзда даволаш муолажаси ўтказиш керак. Жароҳат етказган ит соғлом бўлса, қисқа муддатли, агар итда қутуриш аломатлари аниқланса, уни кенгайтирилган тарзда даволаш ишлари ўтказилиши шарт.

Шу ўринда яна бир аниқлик киритишни жоиз деб ҳисоблайман. Юқоридаги муолажалар ва вакцина бепул, давлат ҳисобидан қилинади. Айнан шу қутуриш

тилган имтиёзлар бўлатуриб, одамлар шундай жароҳат олганларида ўз вақтида тиббиёт муассасаларига мурожаат этмасликлари ёки тегишли муолажаларни ўз вақтида олмасликлари кишини ҳайрон қолдиради.

Эътиборсизлик ва ўрнатилган тартибларга риоя этмасликлари оқибатида фақатгина туманимизда 399 киши жорий йилнинг ўтган ойларида турли уй ҳайвонларидан жароҳат олганликлари аниқланди. Шулардан 324тасини ит тишлаган бўлса, 41 нафар шахсга мушук орқали жароҳат

СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

Вилоят футбол чемпионатида иштирок этаётган жамоалар қарийб бир ой давом этган таърифусдан сўнг бугун иккинчи давра мусобақаларини бошлайдилар. Хўш, биринчи давра якунлари нималарни кўрсатди? Қайси жамоанинг имконияти қандай? Вилоят шаҳар ва туманларида футболга қай даражада эътибор берилаяпти?

Биринчи давранинг якуний жадвалида жамоаларнинг эгаллаган ўринлари ва эришган ютуқларига қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, айтиш жоизки, Тошкент, Қибрай ва Оққўрғон туманларида вилоят чемпионати мусобақаларига муносабат, умуман, футболни оммалаштиришга, жамоаларнинг моддий ва техник шароитларини яхшилашга эътибор анча дуруст. Хусусан, Тошкент туманини бу борада бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Ушбу тумандан чемпионатда бир йўла иккита жамоа иштирок этмоқда. «Солиқчи» эса биринчи давра ўйинларида бирор марта ҳам мағлубиятга учрамай, саккиз ғалаба ва бир дуранг билан яқка пешқадамлик қилмоқда. Тумандаги «Тошкент» ширкат ҳўжалигининг «Тошкент» жамоаси жадвалнинг ўртасидан мустаҳкам жой олиб турибди.

«Қибрай» ҳамда Оққўрғон туманининг «Акмал» жамоалари совринли биринчи ва иккинчи ўринларга ишонч билан даъвогарлик қилмоқдалар. Уларнинг тенг имкониятларга эга эканлиги яққол кўриниб турибди. Қуйичирчиқ туманининг «Шоликор» жамоаси футболчилари ҳам биринчи давранинг иккинчи ярмидан бошлаб, ҳужумкор ўйин кўрсатиб, мавқеаларини анча тиклаб олдилар ва пешқадамларга яқинлашдилар.

Энди жадвалнинг қуйи погоналарига назар ташласак, ғалати манзаранинг гувоҳи бўламиз. Бе-



ФУТБОЛ – ОММА УЧУН ЗАРУР

Буни шаҳар ва туманларнинг мутасадди раҳбарлари қачон тушуниб етадилар?

қобод шахрининг «Цементчи» ва айниқса, Пскент туманининг «Истиклол» жамоалари гўё вилоят биринчилигида номигагина, яъни ҳўжақўрсинга қатнашаётгандек туюлади. Яхшиямки, «Цементчи» ўз уйида «Истиклол»ни енгиб, уч очколик бўлиб қолди. Акс ҳолда у ҳам пскентликлар сингари бутун биринчи давра давомида бошқа жамоаларга очко улашишдан нарига ўтолмай келаётган эди.

«Истиклол»нинг «сахий»лиги ху-



сусида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Жамоа ўтган йилги мавсумда ҳам жадвалнинг энг сўнги погонасини ҳеч кимга бермаган эди. Нахотки, бундай аҳвол ҳеч кимни ташвишлантирмади? Жамоанинг мутасаддилари, ҳомийлари борми ўзи?

Тўққизта учрашувнинг ҳаммасини йирик ҳисобларда бой бериб, бор-йўғи тўққизтагина гол киритиб, ўз дарвозасидан 49та тўп ўтказиб юборса-ю, «жамоага нима бўлган ўзи, унинг ўйинчилари илгари ҳам тўп тепишганми сира» дейдиган одам топилмас! Ёки республика ҳўкуматининг Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш ва кенг оммалаштириш борасидаги қарорининг «қулоғим тинч бўлса бас» қабилидаги ижросими бу?

Ҳар ҳолда туманининг мутасадди ташкилотлари «Истиклол»га ўғай кўз билан қарамай, жамоанинг аҳволини чуқурроқ ўргансалар, вазиятни аниқласалар ва унинг мавқеини тиклаш юзасидан амалий чоралар кўрсалар биринчи галда ўзларининг обрў ва нуфузлари учун яхши бўларди. Зеро, «Истиклол»нинг ҳар мавсумда чемпионат жадвалининг энг охирида судралиб юриши Пскент тумани шаънига яхши эмас, албатта.

Дарвоқе, пскентликлар «биз-ку, вилоят чемпионатида чор-ночор бўлса ҳам иштирок этаймиз, аммо айрим шаҳар ва ту-

Вилоят чемпионати

манларда умуман футбол жамоаси йўқ, бунга нима дейсиз» дея эътироз билдиришлари мумкин. Ҳақиқатан ҳам шундай. Вакиллари республика чемпионатининг олий ва биринчи табақаларида тўп сураётган Чирчиқ, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларини мустасно қилганда, бир қатор шаҳар ва туманларда нафақат футболни ривожлантириш, ҳатто, спортнинг бу оммавий тури билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бу гап эндиликда Янгийўл шаҳри, Оҳангарон туманларига ҳам тааллуқли. Чунки, бу шаҳар ва туманларнинг футбол жамоалари вилоят чемпионатини тарқ этганига анча бўлди. Жумладан, ўтган йилги мавсумда Оҳангарон туманининг «Қо-

рахитой» жамоаси чемпионатга қўшилганининг биринчи йили бўлишига қарамай, фақат «Оҳангарон-С» жамоасини олдинга ўтказиб юбориб, фахрли иккинчи ўринни эгаллаган эди. Энди эса у кумга сингган сувдек йўқолди. Тақдирини нима кечганлиги кўпчиликка номаълум.

Энди Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Паркент, Юқори-чирчиқ ва Янгийўл туманларига келсак, бу томонларда тўла сокинлик. Гўё вилоят чемпионатининг уларга алоқаси йўқдек. Акс ҳолда ҳеч бўлмаса «Цементчи» ёки «Истиклол» каби биттадан жамоани тузиб, «биз ҳам сонда бормиз» дегандек, вилоят чемпионати қатнашчилари сафига қўшиб қўйган бўлишарди...

Кўп гап қулоққа ёқмайди. Сўзни мухтасар қилиб, айтмоқчимизки вилоят чемпионати – республика чемпионатининг иккинчи табақаси деган гап. Унга расман шундай мақом берилган. Ўзбекистонда футболни кенг оммалаштириш ва янада ривожлантиришда бу табақанинг роли беқиёс. Юқоридаги шаҳар ва туманларнинг раҳбарлари шуни унутмасалар бас.

Самад Йўлдош.

БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНИДА ЖАМОАЛАРНИНГ ЭГАЛЛАГАН ЎРИНЛАРИ

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
1. «Солиқчи»	9	8	1	0	23-3	25
2. «Қибрай»	9	7	0	2	25-6	21
3. «Акмал»	9	7	0	2	26-11	21
4. «Шоликор»	9	5	1	3	17-15	16
5. «Тўйтепа»	9	4	1	4	23-19	13
6. «Тошкент»	9	3	3	3	11-14	12
7. «Олмалик»	9	3	1	5	17-23	10
8. «Чиноз»	9	3	1	5	16-23	10
9. «Цементчи»	9	1	0	8	17-21	3
10. «Истиклол»	9	0	0	9	9-49	0

Олмалик шаҳридаги 14-ўрта мактаб томонидан 1978 йил 28 июнда Самохина Ольга Викторовна номига 846076 рақам билан 10-синфни тугатганлик ҳақида берилган йўқолган аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Акмал Икромов тумани ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Вугар Вели оғли номига СИ 08476 рақам билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи йўқолган гувоҳнома **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан 1993 йил 23 январда Просяникова Анна Федоровна номига 08-02/10199 рақам билан уй-жойни хусусийлаштириш учун берилган йўқолган Давлат ордери **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ДЎСТНИНГ КЎП БЎЛГАНИ ЯХШИ

Ҳозир тилга оладиганимиз иттифоқ Антанта ҳам эмас, уни биронта табаррук уюшма ҳам деб бўлмайди, ҳатто, бирон бир воқеанинг олдини олиш учун тезкорлик билан тузилган ташкилот ҳам эмас. Уни халқаро дипломатлар тилида «стратегик ҳамкорлик» деб атаган маъқулроқ.

У Москвада уч кунлик учрашув давомида Россия ва Хитой ўртасида тузилган яхши қўшничилик ва ҳамкорлик, дўстлик тўғрисидаги шартномадир. Шартномада бир талай тараққий этган дунёга хос бўлган умумий қонун-қоидалар, алоҳида шартлар зикр этилган. Бир-бирига куч ишлатмаслик, иқтисодий ёки бошқа тазйиқ ўтказмаслик, орада пайдо бўлган келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш, бир-бирига нисбатан ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик шулар жумласидандир. Ҳатто, ўзаро ишончни мустақамлаш мақсадида чегара ҳудудларидаги қуроли кучлар сонини қисқартиришга ҳам келишиб олинди.

Бугунги шартномага назар соладиган бўлсак, яна бир жиҳат кўзга ташланади. Иккала мамлакат ўзаро дўстликларининг муҳлатларини ҳам қатъий белгиладилар: 20 йил. Хитой халқ республикаси раиси Цзян Цзэминь таъкидлашича, Хитойга қудратли ва гуллаб яшанаган Россия жуда ҳам зарур. Россия президенти Владимир Путин эса катта қониқиш билан «90-йилларда Хитой билан стратегик ҳамкорлики талланган эдик. У ўзини тамомила оқлади» деди. Иккала давлат раҳбарининг таъкидлашича, Хитой

ва Россия учинчи бир давлатга қарши бир-бирига қўл бераётгани йўқ. Ҳатто, ХХР раисининг «Ҳеч қандай мамлакат ўз хавфсизлигини ўзга давлатлар тинчлигини бузиш эвазига таъминлай олмайди» деган сўзлари ниҳоятда умидбахш янгради.



Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

Буш маъмурияти эса Москва ва Пекин ўртасидаги иноклик бизга ҳеч қандай масъулият юкламайди, деди.

Лекин нима бўлганда ҳам икки қудратли давлатнинг елкадош бўлиши таҳсинга сазовор ҳолдир. Барчанинг бир бўлиши, ўзбекча қилиб айтганда, бир ёқадан бош чиқариши – давр талаби. Айтишди-ку, дўстнинг кўп бўлгани яхши, деб. Бу йиллар синовидан ўтиб келаётган ҳақиқат.

ТАКА КЕЛТИРГАН «БАХТ»

Рязанлик Олег Власов йўлдан отнинг такасини топиб олганида, бениҳоя ҳурсанд бўлди. Бўлмасам-чи? Ахир така бахт келтиради, деган нақл бор-ку. У ўйлаб ўтирмасдан такани уйнинг эшигига михлаб қўймоқчи бўлди. Болгани бир-икки марта урганини билади, ёғоч зина-поялар синиб кетди. Олег йиқилиб тушди ва қўлини синдирди. У бунга унча эътибор бермади. Зинадан қулашни тасодиф деб ўйлади. Эртасига такани ўғли мактабга олиб кетди. Дарсда отаси билан бўлган воқеаларни оғайниларига гапириб ўтирганида, ўқитувчининг қаҳрига йўлиқибди: у такани тортиб олди ва

ўзини дарсдан ҳайдаб чиқарди. Эртасига Олег ўғли билан мактабга келди. Ота-бола ўқитувчининг олдида тавба қилишди. Муаллим такани эгасига қайтарди. Олег кўчага чиққач, ноёб топилишни отиб юборишга қарор қилди. Шундай қилди ҳам. Лекин, муолишдан чиқиб қолган автомобилнинг ойнасига така тегиб, чил-чил синди. Яхшиямки ҳайдовчига зарар етмади. Олег етказилган зиённинг ҳақини тўлаб аранг кутулди. Бугунги ўзингиз тушуниб олаверинг.

МЕРОС ҚОЛГАН УНВОН

Венгриялик такси ҳайдовчи Андраш Хуба 55 ёшга етганда тақдир унга гаройиб совға қилди. У кўпдан бери ўзининг авлодида номдор инглизлар ўтганлиги ҳақида таҳмин қилиб юрарди. Лондонлик мутахассисларнинг маълумотномаларни кавлаштириб, бу таҳмин ҳақиқат эканлигини аниқлаганлари Андрашни қойил қолдирди. Такси ҳайдовчиси шотландиялик бир графининг яккаю ёғона меросхўри экан. Кэмбелл деб номланган бу авлод ўтган асрда яшаб ўтган. Молмулклари эса йигирма йил аввал аукционда сотилиб кетган экан. Лекин такси ҳайдовчиси унвон билан ҳам ғоятда ҳурсанд бўлиб кетди. Ҳозир уни жаноб Андраш Хуба Кэмбелл деб аташади. Пул бўлмаса ҳам унвондан қўямасин экан-да.

АГАТАНИНГ ҚОПҚОНИ

Билсангиз, уй сичқонларининг машҳур инглиз ёзувчиси Агата Кристига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин унинг бир асари «Қопқон» деб аталади. Ҳозир саргузашт романларнинг қироличаси деб ном олган ёзувчи кемирувчиларга қиёбокишга мажбур бўлиб қолди. Орадан ўттиз йил ўтгандан кейин Лондондаги фирмаларнинг бири машҳур ёзувчининг номи остида бойиб олмоқчи бўлиб, ўзи ишлаб чиқарган қопқонга «Агата Кристи» номини берди. Ана энди Кристи хоним сичқон тутиш билан банд.

Машҳур аёллар

ОТДАН ТУШСА ҲАМ, ЭГАРДАН ТУШМАГАН



Кўча-кўйда гоҳ-гоҳида бўлса ҳам сочлари тароқ кўрмаган, қийқим-қуйқимлардан энгил-бош кийган, этакларининг бир неча жойи кесиб қўйилган аёлларга дуч келиб қоласиз. Бундай «исёнкор услуб» бундан ўттиз йиллар аввал Англияда яралганини ҳаёлингизга ҳам келтирмайсиз. Бу услубни яратган аёл оддийгина қишлоқи, бугун эса жаҳонга машҳур Вивьен Вествуддир.

G'aroyibotlar

хужум бошлади: иккала энгилни кесиб ташлади. Елкадаги бурмаларни ип билан боғлади, лахтактарни эса елкага ёпиштирди. Занжирни ҳам, бўйинга осадиган бўйинбоғларни ҳам, ярми йўқ шимларни ҳам, ғалати шюрлар ёзилган майкаларни ҳам у ўйлаб топган. Вивьен хонимнинг шовшув бўлиб кетган бир ихтироси Англия қироличаси сурати туширилган майка бўлди. Шу тариқа Вествуд ўзи билмаган ҳолатда кийинининг кўча услубини яратди. Вествуд ва Маклареннинг дўкони бутун дунёдаги лахтак ишқибозларининг саждагоҳига айланиб кетди. Йиртиқ-ямоқ, ола-куроқ энгил-бошда рақс тушиш авжига чиқди. «Пистолз» гуруҳи салкам даҳолар уюшмаси деб эълон қилинди. Кўплар Вествуд хонимни думбул деб ҳисобларди. 1981 йилда унинг биринчи «Қароқчилар» деб номланган модалар тўплами Лондондаги нуфузли кўрикка тақдим этилганда кўпчилик янглишганини англади. Вествуд хоним «Қароқчилар» тўпламига шим қидирарди. Охири ўзининг истаганини Дюма яшаган давр ва унинг машҳур «Уч мушкетёр» романидан топди. Шундай қилиб, «Уч мушкетёр»нинг бола сифатида «Қароқчилар» дунёга келди. У бу соҳада ҳам биринчи бўлди. Биринчилардан бўлиб ўтган асрнинг ниҳоятда мураккаб саналган энгил-бошини замонавий кийимга тадбиқ этди. Тўғрироғи, айланттирди. У биринчилардан бўлиб аёлларга ўзини кўрсатишни ўргатди. Тор кийимда, диркиллаб юриш жуда кўп йиллар модага айланди.

Вествуд бу билан тинчиб қолгани йўқ. Эллик ёшга кирганида қироличанинг машҳур Букингем саройига махсус мукофот олиш учун шундай антика кийимда келдики, асти қўяверасиз. Ҳатто, қиролича Елизаветанинг ҳам оғзи очилиб қолди.

Бугунги кун ҳақида Вествуд анча ҳасратли сўзлайди. «Сонсаноксиз энгил-бошни тикиб ташлайверишининг модага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бугун дўконларда нималар сотилаётганини кўрганмисиз? Бир чеварнинг ишини иккинчи чеварнинг ишидан мутлақо фарқлай олмайсиз». Вествуд хоним ҳамиша ҳамма нарсани қориштириб, бир ҳолга келтирарди. Бунда услубни ҳам, даврни ҳам, рангни ҳам, матони ҳам, классикани ҳам ва ҳатто, ўйноқчиликни ҳам унутмайди. Мана шунинг учун ҳозир ҳам Вивьен Вествуднинг модаси «отдан тушса ҳам эгардан тушмаяпти».

Темир йўлдошев.

ҚИСҚА САТРАДАРДА

- АҚШ президенти Жорж Буш расмий ташриф билан Буюк Британияга келди. У қиролича Елизавета Иккинчи ва Бош вазир Тони Блэр билан учрашди.
- Македонияда қуроли моҳароларни тўхтатиш тўғрисидаги битим ҳали бери имзоланмайдиганга ўхшайди. Албан жангарилари ҳукумат армиясига қарши ҳужумларини бас қилмас экан, тинчлик ўрнатиш жараёни бошланиши даргумон.
- Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев икки кунлик ташриф билан Хорватияга келди.
- Яманда АҚШ элчихонаси олдида портлаш содир бўлди. Хабарларга кўра, элчихона биносига бироз зарар етган. Қурбонлар ва жароҳатланганлар йўқ.
- Конго мудофаа вазири Итии Оссетумба Лекундзага суиқасд қилинди. Унинг Браззавил шаҳридаги қароргоҳи ёнида кечаси отишма бўлди. Хабарларга кўра, вазирга қарши бир неча ҳарбий бош кўтарган.
- Хитой ҳукумати АҚШдан ЕР-3 айғоқчи самолётининг Хайнан оролида маълум муддат сақланиб тургани эвазига миллион доллар миқдорида тоvon талаб қилганди. Қуни кеча АҚШ конгресси вакиллари бу талаб бажарилмаслигини маълум қилди.
- Индонезиядаги сиёсий вазият борган сари кескин тус олмоқда. Президент Абдурахмон Воҳид мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилишга кўрсатма бериб, парламентни тарқатиб юбориш ниятида.

ҚАМОҚДАГИ ЭРКАК

Анжей исмли поляк хотинларнинг нималарга қодирлигини ўз тақдирида синаб кўрди. У уйлангач нафақат аёлининг қулига айланди, балки уй қамоғига ҳам мубтало бўлди. Рашик ниҳоятда зўр аёл эрини кечқурун ишонасининг дарвозаси олдида кутиб олар, уйга олиб келар ва ётоқхонага қамаб қўярди. Ҳатто дугоналари меҳмонга келганда ҳам Анжейни бир бурчакка яшириб қўярди. Кундош орттиришдан қўрққан бўлса керак-да. Тўққиз йил деганда рашик зўр хотин бир муддат эътиборни сўсайтирдию, Анжей уйдан қочиб чиқди. У маза қилиб сайр-томоша қилишни истамади. Тўғри судга бориб ажралиш ҳақида ариза берди. Хайрият, суд ҳам уни додига етди. Рашик ҳам эви билан бўлиши керак экан-да.

Ажаб савдолар

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ОТА ДУОСИ

Ҳаётнинг аниқ-чўғини топан,
ўғил қизларини оилали қилиб
бўлган кишидан сўрашди:

- Топишингиз қанақа?
- Худрога минг қатла шукур, ёмон эмас, қора қаран қайнаб турибди.
- Ўғил қизларингизнинг оиласи нотинчми?
- Йўғе, ҳаммасининг оиласи тинч, яхши ҳаёт кечиришмоқда.
- Бирор ғам, ташвишингиз бор-

га ўхшайди, очик айтилмайсиз.

– Йўқ оиламда ҳеч нарсага мухтожлик йўқ, раҳмат. Фақат, – дея хўрсинди киши, – отамдан жудо бўлдим. «Маслаҳатли тўй тарқалмас», «Қари билгани – пари билмас», «Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми?» деган мақоллар рост экан. Отажоним ҳаёт-лигида доим маслаҳатлашиб иш қилардик, ўғит айтиб, ишимиз-

Қатра

нинг ривожини учун дуо қилиб ўти-
рардиклар. Отамга суяниб қол-
ган эканмиз, у киши атрофида
ҳамма вақт оиламиз жамул-жам
эди. Уйимизда қут-барақа, файз
бор эди. Отамнинг маслаҳати,
ўғити, дуосига ҳозир зорман.

Ҳақиқатан ҳам ота дуоси бу-
тун дунёнинг бойликларидан ҳам
афзал, бебаҳо бир хазинадир.

Неъматилла ҚОСИМОВ.

НАСИҲАТ

Ra'noning qo'g'irchog'i
Ovunchog unga doim.

Bog'chaga ketar chog'i,
Tanbeh berar muloyim.

– Men yo'g'imda so'roqsiz
Chiqib ketma eshikka.

Tinchgina uxla deya,

Belab qo'yar beshikka.

Sobir NISHONOV.

Bolalik bog'i



Бекажон

Яшил майса –
ҳовли безаги

- Гўшдан тайёрланган таом-ларингиз (котлет, биштек ва бошқалар) ширани бўлсин десангиз, уларни қовуришдан олдин бир муддат сутда сақланг.
- Хонангиздаги ўсимликларга, гулларга ҳар турли майда-чўйда ҳашаротлар ёпишмасин десангиз, тагига тозаланган ва жиндак кесилган бир бўлак саримсоқ пиёз ташлаб қўйинг.
- Шкафлардаги нохуш ҳидларни йўқотишнинг эски бир усули бор: шкафнинг бир неча ерига чиннигул ва бир пиёла қайноқ сут қўйиб қўйинг.
- Агар сузмани шалдирик қозоғга ўраб, бир соатлар чамаси совуқ сувда сақлангиз у жуда ҳам мазали бўлади.
- Узиб олган гулларингиз йўлда сўлиб қолмаслиги учун унинг бандини бодринг ёки хом картошкага тикиб қўйсангиз бас.
- Яшил майса ҳар қандай ҳовлининг безагидир. Бундан ташқари асабларни тинчлантириб, кайфиятни кўтарди. Майсатор чиройли ва кўркам бўлиши учун унга қараб туриш керак. Ўриш, дорилаш, вақтида сув қўйиб туриш зарур. Бундан майсаторни бир ойда икки марта ўғитлаш, 8-10 сантиметр узунликда ўсганда ўриб туриш керак. Ўрилган ўрни ёғоч хаскашда йиғиштирганингиз маъқул. Бунда майсалар ортиқча озор чекмайди.

Матлуба
МАҲМУДХҲАЕВА
тайёрлади.

ФИРИБГАРЛАР

(ФЕЛЬЕТОН)

Дермантин муковали дафтари-
га қарадим:

– Йўғе, дафтари қара, Мус-
лим солиқчиникидан-ку, – дейман
дам қақирилмаган меҳмонга, дам
стол устида очиб қўйилган даф-
тарга кўз ташлаб.

Рухиятимизни сездим, солиқ-
чи қизим узатган пиёладаги чой-
ни бир хўплашда ичиб юбориб,
студдан кўзғолди:

– Ассалом, бобой, – бидирлаб
кетди дарҳол англаб етмаганим
бир талаффузда. – Бугун идора-
миз барчани кишлоқларга жўнат-
ди. Бюджет хангиллаб ётипти,
локин сизга пенсия бермоқ керак,
қўшингизга – нафақа. Шунга на-
логларни йиғаямиз. Сиз бюджет-
дан 850 сўм ер солиғи қарз экан-
сиз...

Қарасам, пулни опчиқмағуни-
мизча гапиршдан тўтмайди.

– Қизим, – дедим солиқчи ал-
лақандай катак қозғони тўлдир-
бошлаганини кўриб, – обчиқиб
берақол. Қайтага яши бўлди, кун
иссиғида райцентр кассасига бо-
риб овора бўлмайсан.

Нариорқда кенойингиз ўнг
қўлининг орқасини чап қўлининг
қафтига уриб имо қилаётти: «Хўж-
жат-пухжати бормикин, сўранг».
Мен патнисдай дафтари, қвитан-
ция тўлдиршига ишора қилдим.
Кенойингиз қўлини силтади-ю
ошхонага кириб кетди. Қизим
иҷаридан пул кўтариб чиқиб аёл-
га узатди. У шошилмасдан санаб
чикди, кейин:

– Тўғри, – деди-да қвитанция-
ни қўлимга тутқазди.

Қачон дафтарики ёпиб, эшик-
дан чикди, хайр-пайр дедими-
йўқми, пайқамай қолдим.

... Икки кундан кейин ишдан
қайтиб, дарвозадан киришимни
биламан, кенойингиз:

– Тунов кунги солиқчингиз сох-
такор экан, дўмқумдан оғохлан-
тириб кетишди. Мабодо келса, тўлаб
ўтирманглар дейишди, – деди
ғолибона бир аллозда. – Лақил-
лаб қолдингиз, ана.

... Олмаликда Оксана Юсупова
деган фибрибгар аёл устидан тер-
гов иши олиб борилаётгани
ҳақидаги хўжатлар билан тани-
шиб ўтириб, икки йил олдин ўзим-
ни лақиллатиб, қандай фибриб бе-
ришганини эсладим. Оксанаси
тушмагур ҳам хўп кўрими, гап-
сўзлари ёқимли, шахдамгина экан.

Ишламасам-у, нонни ёғ билан
есам, деркан. Икки-уч ой бир за-
водда ишлаб, ўғрили билан қўлга
тушган, бир жойда кўним топмай
қолипти. Дорихонада санитарка,
госстрахда инспектор... Эҳ-ҳе бир
идорада – икки, бошқасида – бир
ярим ой ишлаб-ишламай, бўшай-

верипти. Чамаси, ўша госстрахда
юганида ҳаёлига келган кейинги
«саъй-ҳаракатлар». Хуллас, у хона-
донларни айланиб, солиқ йиғишга
киришипти. Унинг кўзга яқин афти-
ангори, ёқимли овози, мантқиқли
гап-сўзлари олдида наинки оддий
фуқаролар, ҳатто турмушнинг минг
бир товланишларини кўравериб,
пишиб кетган кишилар ҳам тоб
бериша олмас, лаққа тушиб
кўяқолишаркан. Оксана ҳам мўмай-
мўмай солиқ тўловчиларни қуруқ
қолдириб кетмасакан, кўлларига
квитанциянинг бир бўлагини тутқа-
заркан. У кўча-қўйда, майдонларда
айланиб, ҳатто, pista-сақич сотиб
ўтирадиганлардан ҳам солиқ унди-
раркан. Секун-секун хизмат дои-
расини кенгайтириб, ер солиғи,
мулк солиғи ва бошқаларга ҳам
ўтипти. Охириги бирор ойда ўз шах-
сий «бюджетига» 100 минг сўмга
яқин тушум ундирибди. Ҳатто, баъ-
зи солиқ тўловчилар кўча-қўйда бу
хўшқомат, дилбар аёлни кўришса,
шляпаларини бошдан олиб, кўксил-
ларига босганларича муқом-хушо-
мад қилишга ҳам ўтишибди.

Солиқчилардан тўпланаётган
пуллар Оксана-бюджетнинг ҳеч
тўлмас қопига тушаркан. Бу пул-
ларга у башанг либослар кийиб,
давр даврнинг ошғи олчи янги
фуқаролар қатори еб-ичиб, кайфу
сафо қилиб юравераркан.

Аммо Олмалик Тошкент эмас,
икки-уч ойда сохта солиқчи пайдо
бўлган ҳақида гап-сўзлар айланиб
қолипти. Лекин Оксана ҳам қовоқ-
бош эмас, бир ой бу даҳада ижа-
рада гурса, икки ой шаҳарнинг у
чеккасига кўчиб ўтаркан. Силлиқ-
қина жувон эмасми, жазмани хона-
донда яшаб, ошғи олчи бўлиб
юраркан.

Лекин қанчалик маҳорат билан
отилса ҳам, ошиқ ҳамиша олчи
тушавермайди. Думалаб бориб,
арзимаган бир нарсга баҳона пукка
кетади.

Оксана билан ҳам шундай бўлди.
Гап айланиб, шаҳар солиқчилари-
нинг қулоғини дунг қилиб юборди.
Қисқаси, бугун сохта солиқчи Ок-
сананинг фибрибгарликлари чек
қўйилди. Суриштирув чоғи унинг уд-
дабурро, топағонлиги олдида
ҳақиқий солиқчиларнинг оғизлари
очиқиб қолипти. У «Ойдин»даги

ри Зеكري Дурсунов бир аёлки
шўнчалик ижодкорликларнинг уд-
дасидан чиқипти, нахотки, эркак-
лар орқда қолишса, деган ҳаёлда
қандай қилиб содда-бўшанг одам-
ларни лақиллатиш йўллари
йўлга бошлабди. Ўйлаган уйига
етиши, бир кун қандай муам-
мога ечим топиши ўн беш кунлик
ойдек равшан. Зеكري дегани ҳам
йўлини топибди. Туркистон ки-
лоқ фуқаролар йиғини Худойбер-
ганов маҳалласида тадбиркор
Ҳабибулла Искандаров биринчи-
лардан бўлиб бир думалаб солиқ-
чи айланиб дезинфектор Зеكري
Сайдовичнинг тузоғига илинди,
унга нақ 2000 сўм тутқазди.

Дастлабки муваффақият бу у-
стамон нафсини ўпқон қилиб юбор-
ди. У хўрдани ҳам, бурдани ҳам
паққос ютадиган наҳанга айлан-
ди. Кишлоққа-кишлоқ кезиб, қаер-
да бирор нарсга билан савдо
қилаётган кишиларни кўрса, солиқ
ундира бошлади. 400 сўмми, 500
сўмми, 3000 сўмми, унинг учун
фарқи бўлмай қолди. Иш қилиб
томса бўлди, тома-тома қўл пайдо
бўлишига эса, Зеكري Сайдовични
болаликдан ўргатишган. Хуллас,
тадбиркорлардан Тоҳира Нолибо-
ева, Акмал Пўлатов, Тўйчи Эр-
матовлар ижодкор «солиқчи»нинг
тўрига бир-бир илинишди.

Лекин Дурсунов фибриб бериш-
да қанчалик устаси фаранг бўлиш-
га уринмасин, барибир қармоққа
нақ тумшугидан илинди. Собир Ра-
ҳимов номли жамоа хўжалигида ўз
уйида дўкон оingan тадбиркор Мах-
муд Рустамовдан 600 сўм «солиқ
пули» ундириши янги «қасбда»ги
сўнгги операцияси бўлди. Содда
одамларни илдан эшилган тўрлар-
га илинтириб келган фибрибгар те-
мир панжарали эшикларга кириб
кетди.

... Иссиқда лоҳасланиб ишдан
қайтганман. Эндигина остона хат-
лаб дарвозага киришимни била-
ман, кенойингиз бир пиёла чой
тутқазиб ўрнига янги гап билан
сыйлади:

– Вой, эшитдингизми, болалик-
дан ўртоғингиз Абдували акани
«тез ёрдам» олиб кетипти.

Воқеан, кеча кечки пайт Абду-
валининг уйига қалин чарм папка
кўтарган бир йиғит қақириб келип-

шошириб, шу асно кўчага келиб
қолган УАЗга гиламларини ортиб,
уч-тўрт тугун «зебу зарларни»
қучоқлаганича қўшни кишлоққа
тушган опасиникига жўнабди. УАЗ-
нинг шафёри бийронгина экан,
юпата-юпата обори, юкларни та-
шишиб, яна Холнисани уйига кел-
тириб қўйипти. Пул узатса, қўл
силтабди.

Холниса энди ўзига келиб, ай-
вонда чой хўглаб ўтирганида Аб-
дували ҳовлига кириб келипти.
Савдо одами синчков бўлади,
хотинининг авзойини кўриб:

– Тинчилиқми, онаси? – деб
сўрабди.

– Ўзингизда-чи? Мелисалар тез
кетишдимми?

Холниса бўлган гапларни энди
айтиб бўлган экан, опаси кириб
келипти.

– Ҳалиги машина қаяққа гум-
дон бўлди? – ҳе йўқ, бе йўқ сўра-
пти у айвонга чиқа солиб.

– Қанақа машина?! – эр-хотин
ўрниларидан туриб кетишипти.

– Гиламларни, тугунларни олиб
борган машинанг-да. Сени жўна-
тиб, энди пиёздокқа унмасам,
эшикда сигнал чалинди. Чиксам,
гиламларни ташишиб юборган
бояғи шопир.

– Кенойи, – деди, – Холниса
олам қайтариб юбордилар. Абду-
вали акам келиб, тинчтиб кетиб-
ди, ҳаммаси хотиржамлик экан.
Юкларни олақелақол, деб юбор-
дилар.

Шопирни қайтариб жўнатдим,
юрагимга бир гулгула тушди. «Ти-
ко»ни опчиқиб, кетидан тушдим.
Қозоқовулда, мулошида болалар
мол ҳайдаб ўтиб қолишди, бир
фурсат кутиб турдим. Мана, кет-
ма-кет келдим. Юкларингни туши-
риб олдингизми?

Эр-хотин бақа бўлиб туришар,
тиллари калимага келмай қолган-
ди. Она нима бўлганини энди ту-
шинди:

– Нахотки? Йўқ!! – деб чинқи-
риб юборди.

– Шу аснода Абдувалининг гур-
силлаб йиқилган экан, «тез ёрдам»
олиб кетипти. Хушига келмаётган-
миш...

Кенойингизнинг сўнгги сўзла-
ри қулоғимга кирмай қолди.
Менинг ҳам ҳушим учди.

Жўрабек МУРОДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТЧА ПРАВА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Беш муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Шифонлар:
Хатлар ва оммавий
шарҳ бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилми:3:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида тарқатилади ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.